

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ ҚАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

2019

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА



ВЕБ-ДАСТУРЛАШ

“Информатика ва ахборот технологиялари” йўналиши

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

«Информатика ва ахборот технологиялари» йўналиши

**“ВЕБ ДАСТУРЛАШ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент - 2019

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига
мувофиқ ишлаб чиқилган.**

Тузувчилар: Назирова И. - ТАТУ “Мультимедиа технологиялари” кафедраси мудири, т.ф.н., доц.

Тақризчилар: С.Медетов – Нант политехника университети (Франция),
Электрон ва рақамли технологиялар кафедраси профессори.
М.Якубов - ТАТУ “Ахборот технологиялари” кафедраси профессори, ф-м.ф.д.

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари университети Кенгашининг 2019 йил
29 августдаги 1 (694) – сонли баённомаси билан тавсия қилинган**

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	4
II. Модулни ўқитишида фойдаланиладиган интерфаол методлари	9
III. Назарий материаллар	16
IV. Амалий машғулот материаллари.....	39
V. Кейслар банки	83
VI. Глоссарий	87
VII Адабиётлар рўйхати.....	92

І БЎЛИМ

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқукий ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Ушбу модулда "Веб дастурлаш" дан барча соҳадаги мутахассислар тайёрлаш учун ўқув стандарти бўлиб ҳисобланади. Дастур ўз ичига фанни эгаллаш бўйича талабларни, HTML, CSS, Java Script, PHP ва замонавий CMS асосларини ҳамда юқоридагилар асосида Web иловаларни ишлаб чиқиш, лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқиш бўйича керакли билимларни олган бўлиб, ривожланган мамлакатларнинг ОТМ тажрибасига таянган ҳолда олиб борилади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Веб дастурлаш” модулининг мақсад ва вазифалари:

- “Веб дастурлаш” модулининг мақсади талabalарга замонавий HTML-5, CSS, Java Script, PHP, CMS асосларида Web иловаларни ишлаб чиқиш ва лойиҳалаш алгоритмлар бўйича назарий ва амалий билимларни беришдан иборат.

Фаннинг вазифаси эса талabalarda HTML-5, CSS, Java Script, PHP ва замонавий CMS асосларини ўргатиш ва улар асосида Web иловаларни ишлаб

чиқиши, лойихалаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Веб дастурлаш” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- HTML-5, CSS, Java Script, MySql, PHP ва замонавий CMS асосларини, алгоритмларини, самарадорликлари ҳақида билимларга эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- HTML-5, CSS, Java Script, JQuerу, PHP ва замонавий CMS асосларини ва усулларини хамда улар асосида Web иловаларни ишлаб чиқиши, лойихалаш кўникма ва малакаларини эгаллаши зарур.

Тингловчи:

- масаланинг қўйилишига қараб янги Web иловаларни ишлаб чиқиши хамда ўқув ва ишлаб чиқариш жараёнига тадбик этиши компетенцияларни эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Веб дастурлаш” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Веб дастурлаш” модули мазмуни ўқув режадаги “Мобил иловалар яратиш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг “Веб иловалар” яратиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Веб иловалар яратишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Аудитория укув юкламаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулоти
1.	Веб-дастурлашнинг асосий тушунчалари. Жараён (процедура) «сўров — жавоб». PHP, MySQL, JavaScript ва CSS имкониятлари. HTML 5. Apache веб сервери	2	2		
2.	PHP тузилмаси.	4		4	
3	MySQL асослари. MySQL буйруқлари. MySQL маълумотлар базасига PHP дан мурожаат қилиш. MySQL маълумотлар базасида ишлаш.	2	2		
4	JavaScript ва ундан фойдаланиш. JavaScript кодларни отлатка қилиш.	4		4	
5	CSS (Cascading Style Sheets) ни CSS3хисобига кенгайтириш.	2	2		
	Жами:	14	6	8	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1 – мавзу. Веб-дастурлашнинг асосий тушунчалари. PHP, MySQL, JavaScript ва CSS имкониятлари. HTML 5. Apache веб сервери (2 соат).

Веб дастурлашга кириш. PHP, MySQL, JavaScript ва CSS имкониятлари. HTML 5 ва Apache веб сервери.

2 – мавзу. MySQL асослари. MySQL буйруқлари. MySQL маълумотлар базасига PHP дан мурожаат қилиш. MySQL маълумотлар базасида ишлаш (4 соат).

MySQL га кириш. MySQL асослари.

3 - мавзу:CSS (Cascading Style Sheets) ни CSS3хисобига кенгайтириш (2 соат)

CSS нинг CSS3 хисобига кенгайиши . Атрибутлар селектори. Background -clip хусусиятлари. Background –origin хусусиятлари. HTML5 да Холст ва Геолокация.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. PHP тузилмаси (4 соат).

2-амалий машғулот. JavaScript ва ундан фойдаланиш. JavaScript кодларни отлатка қилиш (4 соат).

ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

Ш БҮЛИМ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ
МЕТОДЛАРИ

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«Блум қубиги» методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун “Очиқ” саволлар тузиш ва уларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

1. Ушбу методни кўллаш учун, оддий куб керак бўлади. Кубнинг ҳар бир томонида қўйидаги сўзлар ёзилади:
 - **Санаб беринг, таъриф беринг (оддий савол)**
 - **Нима учун (сабаб-оқибатни аниқлаштировчи савол)**
 - **Тушинтириб беринг (муаммони ҳар томонлама қараш саволи)**
 - **Таклиф беринг (амалиёт билан боғлиқ савол)**
 - **Мисол келтиринг (ижодкорликни ривожлантировчи савол)**
 - **Фикр беринг (таҳлил килиш ва баҳолаш саволи)**
2. Ўқитувчи мавзуни белгилаб беради.
3. Ўқитувчи кубикни столга ташайди. Қайси сўз чиқса, унга тегишли саволни беради.

“KWHL” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

Изоҳ. KWHL:

Know – нималарни биламан?

Want – нимани билишини хоҳлайман?

How - қандай билиб олсам бўлади?

Learn - нимани ўрганиб олдим?.

“KWHL” методи	
1. Нималарни биламан: -	2. Нималарни билишини хоҳлайман, нималарни билишим керак: -
3. Қандай қилиб билиб ва топиб оламан: -	4. Нималарни билиб олдим: -

“W1H” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган олтига саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

What?	Нима? (таърифи, мазмуни, нима учун ишлатилади)	
Where?	Қаерда (жойлашган, қаердан олиш мумкин)?	
What kind?	Қандай? (параметрлари, турлари мавжуд)	
When?	Қачон? (ишлатилади)	
Why?	Нима учун? (ишлатилади)	
How?	Қандай қилиб? (яратилади, сақланади, тўлдириллади, таҳирлаш мумкин)	

“SWOT-тахлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



“ВЕЕР” методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоклари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Веер” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзуу якунланади.

Муаммоли савол					
1-усул		2-усул		3-усул	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот тъминоти билан танишириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, хал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнималарини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнималар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўкув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топширикларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

Муаммоли вазият

Тушунча таҳлили (симптом)

Амалий вазифа

“Инсерт” методи

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	Матн
“V” – таниш маълумот.	
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.	
“+” бу маълумот мен учун янгилик.	
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?	

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

ШБҮЛІМ

НАЗАРИЙ
МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1 – мавзу. Веб-дастурлашнинг асосий тушунчалари. PHP, MySQL, JavaScript ва CSS имкониятлари. HTML 5. Apache веб сервери (2 соат).

Режа:

- 1.1. Веб дастурлашга кириш.
- 1.2. PHP, MySQL, JavaScript ва CSS имкониятлари.
- 1.3. HTML 5 ва Apache веб сервери.

Таянч иборалар: html, http, https, url, php, css, mysql.

1.1. Веб дастурлашга кириш

Бутун дунё ўргимчак тўри – бу узлуксиз ривожланаётган тўр бўлиб, дастлабки 1990 йиллардаги концепцияларидан аллақачон узоқлашган бўлиб, олдин у аниқ бир масалани ечишга қаратилган эди.

Европа юқори энергиялар физикаси марказидаги юқори технологик тадқиқотлар қатнашаётган бутун дунёдан йифилган олимлар орасида тарқатиш учун мумкин бўлмаган даражада катта хажмдаги маълумотларни тақдим этди.

Бу пайтда Интернет мавжуд эди ва унга 100 минглаб компьютерлар боғланган эди, шунинг учун **Тим Бернерс-Ли** гипер мурожаат орқали улар орасида навигацияни ишлаб чиқди, кейинчалик буни гипер мурожаатларни узатиш протоколлари ёки (Hyper Text Transfer Protocol (HTTP)) деб аташди)

У маҳсус разметкали тил ишлаб чиқди бу тил гипер текстли разметкали тил ёки (Hyper Text Markup Language (HTML)) деб аташди). Бу тушунчаларни умумлаштириш учун биринчи браузер ва веб браузер ишлаб чиқди.

Ўз даври учун бу концепция революцион характерга эга эди. Бунгача асосан боғланишлар модемлар билан амалга оширилган, бу асосан алоҳида компьютерлар бир-бири билан маҳсус хизматлар орқали амалга оширилган.

Албатта касбдошлар билан самарали электрон мулоқот учун жуда кўплаб электрон доскаларга аъзо бўлиш керак бўларди.

Бернерс-Ли битта харакат билан бундай мужмал ишларни йуқса чиқарди, 1990 йилда бир-бири билан рақобатлашувчи учта графикали браузер мавжуд бўлиб ва фойдаланувчилар 5 млн етди.

Аммо маълум бўлдики баъзи камчиликларга йўл қўйилган.

Албатта матнли ва графикли сахифалар гипер мурожаат орқали бир-бирига мурожаат қиласиган концепция жуда яхши эди, аммо натижада ўша пайтдаги компьютерлар потенциалини, Интернет эса ўсиб келаётган фойдаланувчилар талабларини динамик ўзгариш контекстини ифодалай олмас эди.

Хатто фавқат матн разметкалари ва GIF-расмлар билан хам бутун дунё ўргимчак тури хайратомуз таъсурот қолдирган эди.

Умумий холда «Суров — жавоб» процедураси қуидагилардан ташкил

топади. Браузер сўрови веб браузерга, веб браузер эса веб сахифага юборади, шундан кейин браузер сахифани ифодалаш билан шуғулланади.

Бунда амаллар кетма кетлиги қуйидагича бўлади:

1. Браузер адрес сатрига қуйидагилар киритилади <http://server.com>.
2. Сизнинг браузер IP-адресни излайди, server.com номли доменга мос бўлган.
3. server.com нинг бош сахифасига браузер сўров юборади
4. Сўров интернетдан орқали server.com нинг веб серверига келади
5. Сўров ни қабул қилган веб сервер оз қаттиқ дискидан веб сахифани излайди
6. Сервер веб сахифани ишлайди ва қайта маршрути бўйича браузер адресига жўнатади
7. Браузер веб-сахифани ифодалайди (тасвирлайди).

1.2. PHP, MySQL, JavaScript ва CSS имкониятлари

Маъруза бошида Web 1.0 технологиялар олами ифодаланди, аммо Web 1.1 технологияларини яратиш учун жуда катта сакраш бўлди шу билан бирга бир қатор браузер кенгайтмалар пайдо бўлди, масалан Java, JavaScript, Jscript ва ActiveX.

Сервер томондан жараён шлюз интерфейс (Common Gateway Interface (CGI)) билан таъминланган, бунда сценариялар ёзиш тили сифатида Perl, PHP фойдаланилган ва сценарияларни сервер томонидан бажарилиши битта файлни иккинчи файлга динамик жойлаштиришдан иборат бўлади.

Қачон холат бутунлай ойдинлашса, олдинги холатларда учта асосий технология келтирилди

Сценариялар Perl тили мураккаб бўлса хам, баъзи қарама-қаршиликларга бўлса хам оммалашди, содда PHP унинг MySQL маълумотлар базаси билан ишлаш имконияти фойдаланувчилар орасида унга икки марта кўп фойдаланувчилар эга бўлиш имконини берди.

JavaScript эса CSS ва HTML нинг мухим боғловчи қсми бўлиб хизмат қиласи. Бунда AJAX мижоз томондан бажариладиган жараённи ифодалайди.

AJAX технологиялари ёрдамида веб сахифалар маълумотларни қайта ишлайди ва веб серверга сўров юборади ва бу жараёндан фойдаланувчининг хабари бўлмайди.

Агар сиз JavaScript ва CSS ни бирлаштирангиз сизда юқори даражадаги динамик ва инрерактив сайт яратиш рецепти пайдо бўлади.

PHP

PHP тарихи. Кўпгина бошқа дастурлаш тилларидан фарқли равишда, PHP қандайдир ташкилот ёки кучли дастурчи томонидан яратилган эмас. Уни оддий фойдаланувчи Расмус Лердорф 1994 йили ўзининг бош сахифасини интерактив услугуда кўрсатиш учун яратган. Унга Personal Home Page (PHP – шахсий бош сахифа) деб ном берган.

1995 йили Расмус PHPни ўзининг HTML формалари билан ишлайдиган

бошқа дастур билан умумлаштириб PHP/FI Version 2 ("Form Interpretator") ҳосил қилди. 1997 йилга бориб PHP дан фойдаланувчи сайлар 50 мингдан ошди. Шундан сўнг веб технология усталари PHP ғояси асосида мукаммал тил яратишга Зива Сураски ва Энди Гутманс асосчилигида киришилди. PHPни самарали деб ҳисобланмагани учун деярли нолдан бошлаб, мавжуд С ва Перл тилларидан ибрат олиб PHP3 талқинини яратилди. 1999 йилга келиб PHP асосида қурилган сайлар миллиондан ошиб кетди. 2000 йилда эса Zend Technologies ширкати янги кўпгина функцияларни қўшган ҳолда PHP4 шарҳловчисини яратди.

PHP дан фойдаланиш веб сахифага динамик хусусиятлар бериш имкониятини тубдан ўзgartиради.

Сервер томонидан бажариладиган иловалар Бундай иловалардан фойдаланиш учун PHP-парсер (яъни php-скриптарни қайта ишловчи) ва скриптарни қайта ишловчи web-сервер, скриптарни натижасини кўриш учун браузер ва албатта php-кодини ёзиш учун матн муҳаррири керак бўлади.

Клиент томонидан бажариладиган GUI-иловалар PHP тили ёрдамида бирор-бир компьютерда браузер ва web-серверлардан мустақил равишда ўзи бажариладиган скриптарни ҳам яратиш мумкин.

Буйруқлар сатрида бажариладиган скриптар. Бу соҳа PHP тилини эндининга ўрганаётган фойдала-нувчилар учун унча муҳим бўлмаган соҳадир. PHP тилини бу соҳага қўллаш учун php кенгайтмали маҳсус ёрдамчи – PHP-GTK талаб этилади.

Қачонки сахифага PHP кенгайтма берсак унда тўғридан-тўғри сценария тилига мурожаат қилиш имконияти бўлади. Дастурчи қуидагича код ёзиши керак бўлади :

```
<?php  
echo " Today is " . date("l") . ". ";  
?  
Here's the latest news.
```

Очувчи тег **<?php** веб серверга **?>** теггача интерпретация қилиш имконини беради.

Бу конструкции доирасидаги барча ёзувлар мижозга оддий HTML кўринишида жўнатилади

Шунинг учун Here's the latest news матни браузерда кўринади

PHP-тегнинг ичидаги date функцияси мос тизим серверининг жорий хафта кунини ифодалайди.

Натижада бу иккита қисмдан иборат қуидаги маълумотларни чиқаради:
Today is Wednesday. Here's the latest news.

PHP етарлича осон ва келишувчан тил хисобланади баъзи дастурчилар PHP конструкцияларга халақит қилишмоқчи бўлишади, масалан, қуидагича:
Today is <?php echo date("l"); ?>. Here's the latest news.

Бунда қуидагини билиш муҳим PHP дан фойдаланаётган веб дастурчи сценариялар тилини олади, бунда код тез ишламайди, масалан, С га солиштирасак, аммо шундай булса ҳам тез ишлайди ва HTML разметкага мос тушади.

MySQL

Дастлабки HTML коднинг динамик ўзгаришини тўла маънода англаш учун фойдаланувчининг сизнинг сайtingизда ишлаш давомида қилган ўзгаришларини кузатиш керак бўлади.

Бутун дунё ўргимак тўри яратилаётган пайтдаги кўпгина сайтларда парол ва логин маълумотларни сақлаш учун структуралашмаган матнлардан фойдаланишган. Масалага бундай ёндашув, бир вақтда бир қанча фойдаланувчилар мурожаат қилса ва файл ишончли химояланмаган бўлса, бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Структуралашмаган файл шундай даражада хажми қўпайиб кетиши мумкинки натижада бундай хажмдаги файл билан ишлаш мумкин бўлмай қолади, бундай хажмдаги файлларни бирлаштириш, мураккаб излаш амаллари, тезлик масалалари хақида гапиришга хожат қолмайди.

Худди шундай холатлардаги мураккабликни хал қилиш учун реляцион маълумотлар базаси ва структуралашган сўровлар тизими ишлаб чиқилган эди. Худди шунингдек MySQL хам юқорида айтилганлар қаторига кирадиган мукаммал текин ва кўпгина веб-серверларга ўрнатиган маълумотлар базасини бошқариш тизимиdir. Бу тизим маълумотлар базасини ишончли ва тез бошқариш имконини беради, тизим командалари содда инглиз сўзларидан иборатdir.

MySQL нинг юқори даражаси структура хисобланади, ичида бир қатор жадваллардан иборат, бу жадвалларда маълумотлар сақланади.

Фараз қилайлик, сиз users (фойдаланувчилар) жадвали билан ишляпсиз, унда графлар хосил қилинган фамилия – surname, исм - name, электрон адрес – email, худди шу тартибда кейинги фойдаланувчиларнинг маълумотларини киритиш мумкин.

Кўйида битта командани келтириб ўтамиз:

```
INSERT INTO users VALUES('Smith', 'John', 'jsmith@mysite.com');
```

Олдин эслатиб ўтганимиз каби маълумотлар базасини ва жадвални хосил қилиш учун бир қанча ишларни амалга ошириш керак бўларди, бу ерда эса INSERT командасининг соддалиги ва маълумотлар базасига янги маълумот кўшишнинг осонлиги келтириб ўтилган.

INSERT буйруғи структурали сўровлар тили (Structured Query Language (SQL)) га мисол, бу тил 1970 йилларда ишлаб чиқилган эски дастурлаш тили COBOL ни эслатади.

Бу тил сўровлар ёзиш учун қулай бўлганлиги учун узоқ вақт давомида маълумотлар базасига сўровлар ёзиш учун ишлатилиб келиняпти.

Бунда қидириш масалалари хам жуда осон хал қилинган. Фараз қилайлик электрон адрес мавжуд бўлса шу адрес эгасининг исм ва фамилиясини топиш масаласи қўйилган бўлсин бунинг учун қўйидагича MySQL сўров ёзилади:

```
SELECT      surname,      firstname      FROM      users      WHERE  
email='jsmith@mysite.com';
```

Бундан сўнг MySQL бизга Smith, John маълумотни чиқариб беради,

худди шундай давом этишимиз мумкин.

MySQL имкониятлари кенг ва командалари содда бўлиб содда командалар комбинациясидан жуда қўплаб сўровлар ўзиш имконини беради.

JavaScript

JavaScript - HTML-хужжатнинг барча элементларига сценариялар орқали мурожаат қилиш учун ишлаб чиқилган.

Бошқача айтсак, у фойдаланувчи билан динамик мулоқат қилиш воситасига эга, масалан, электрон адрес ни киритаётганда унинг тўғри ёки нотўғрилигини, формага мос ёки мос эмаслигини текширади ва баъзи маслаҳатлар таклиф қиласди.

JavaScript сизнинг сайtingизга динамик функционалик беради. Сиз сайтни кўраётганингизда сичқонча кўрсатгичи браузернинг қандайдир элементидан кўрсатганда содир бўладиган ходисалар (янги матн пайдо бўлиши, ранг ва расмларнинг ўзгариши ва хакозо эффектлар) JavaScript ёрдамида амалга оширилади. Бу тил шундай эффектларни таклиф ва тавсия қила оладики, бошқа воситалар билан амалга ошириш мумкин эмас ва шу билан бирга бевосита веб браузер ичida веб хужжатнинг барча элементларига мурожаат қила олади.

1995 йилда Netscape компанияси мутахассислари клиент томонидаги саҳифа-ларни генерация қилиш учун маҳсус дастурлаш тили яратишиди ва уни JavaScript деб номлашди.

Дастлаб бут тил тўғрисида нотўғри тасаввурлар пайдо бўлди, гўёки бу тил JAVA тили ортиқча иловаси деб тушунишди, улар орасида боғланиш бор деб ўйлашди. Тилнинг бундай номланиши фақатгина маркетинг маъносида омадли усул эди, чунки JAVA дастурлаш тили жуда машхур, шунга кўра янги сценариялар тили JavaScript тезда дастурчилар назарига тушди ва машхур бўлиб кетди. JavaScript тилига веб саҳифанинг HTML элемети хужжатнинг обьект модели DOM (Document Object Model) қўшилгандан кейин янада машхур бўлиб кетди. Объект модели хужжатга янги абзас ёки матннинг бирор қисмини ўзгартириш имконини беради. JavaScript ва PHP хам структурални дастуралаш элеменларини қўллаб қувватлайди худди С тилидаги каби бу иккала тил хам бир бирига ўхшаб кетади.

Бу иккала тил хам юқори даражали тиллар гурухига киради. Масалан, иккаласида хам кучсиз турлаш бир ўзгарувчи турини янги контекст бошқасига алмаштириш жуда осон. PHP билан танишгандан кейин JavaScript ўрганиш жуда осон кечади. Бу тилни ўрганиш сизга жуда катта фойда келтиради, чунки бу тил янги технологиялар Web 2.0 AJAX асоси хисобланади. Булар асосида мослашувчан HTML5 ва унинг фойдаланувчи интерфейсини ўзлаштишингиз осон бўлади.

CSS ва JavaScript имкониятлари асосан динамик веб саҳифаларни ифодалашда намоён бўлади, бошқа саҳифаларга солиштиргандан фарқи яққол кўринади.

JavaScript билан ишлаганда баъзи қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин, бунда хар хил браузерлар билан ишлаганда баъзи қўшимча

ўзгартиришлар киритишимиизга тўғри келиши мумкин.

Асосан фарқлар баъзи браузерлар қўшимча функциялар, имкониятлар қўшишса мавжуд дастурий таъминотлар билан биргаликда ишлашда муаммолар туғилади.

JavaScript-кодни барча браузерлар билан ишлайдиган оддий кўринишини қараймиз:

```
<script type="text/javascript">
  document.write("Today is " + Date() );
</script>
```

Бу дастур қисми браузерга script тегнинг ичидаги барчасини интерпретация қилишга юборади, код сифатида JavaScript, ундан кейин браузер ва мос равишда PHP, MySQL, JavaScript ва CSS, жорий хужжатга «Today is» ва сана ва натижада қуйидагича маълумотлар чиқади

Today is Sun Jan 01 2017 01:23:45

CSS

CSS нинг З стандарти ишлаб чиқилгандан кейин, динамик интерактивликни даражаси кўтарилиди, олдин бу фақат JavaScript хисобтга амалга ошириларди.

Масалан, энди сиз нафақат HTML ихтиёрий элементига стил беринингиз, унинг размерини, рангини, чегараларини, интервалларини, ўзгартиришингиз бир неча қатор CSS код ёзиш ва уни веб сахифага қўшиш кифоя қиласи. CSS татбиқ қилиш `<style>` и `</style>` ни веб сахифа сатр бошига қўшиб қўйиш керак бўлади.

```
:
<style>
p {
  text-align:justify;
  font-family:Helvetica;
}
</style>
```

Бу қоидалар `<p>` тегининг текислаш қоидасини ўзгартиради, бунда абзас тўла текисланади ва унда Helvetica шрифти ишлатилади

1.3. HTML 5 ва Веб сервер Apache

Веб – стандартларга киритилган қўшимча ўзгартиришлар хар қандай шов-шувли бўлмасин бу дастурчилар учун бу етарли бўлмай кўринаверади.

Масалан, халигача графика билан ишлашнинг қўшимча модулларга (Flash) мурожаат қилмасдан ишлайдиган содда усули ишлаб чиқилмаган.

Худди шунингдек аудио ва видео материалларга нисбатан хам шу гапни айтиш мумкин.

Бундан ташқари HTML ривожланиш даврида бир қатор камчиликлар қараш мумкин.

Бундай камчиликлар Интернет Web 2.0 технологиясига ўтиш даврида

янги HTML стандарт ишлаб чиқилди ва шу аснода бу камчиликлар йўқ қилинди. Бу стандартга HTML5 деб ном берилди бу стандарт ишлаб чиқилиши узоқ 2004 йилга бориб тақалади, қачон дастлабки лойихалар Mozilla Foundation ва Opera Software браузерлар бўлган эди. Аммо унда якуний тугалланган холатда World Wide Web Consortium (W3C) 2013 йилни қайд этиш керак бўлади. Бу стандартни ишлаб чиқиш 9 йил давом этди, аммо бу даврда бу стандартдан тўла бўлмаса хам фойдаланишиди. Бу даврда қанча сайtlар пайдо бўлди ва тез суратларда ривожланди, баъзилари умуман йўқ бўлиб кетди, аммо таянч дастурий таъминот шошилмасдан керак бўлса секин ва аниқ текширилган қоидалар асосида ишлаб чиқилади . Шунинг учун хам HTML5 хақидаги тугалланган маълумотлар ёки китоблар 2014 йилнинг охирларида пайдо бўлди. Нима учун шундай? Чунки 2015 йилда кейинги версия HTML 5.1 устида иш олиб борила бошланди. Худди шундай чексиз цикл кўринишида стандарт устида иш олиб борилади.

HTML5.1 таркиби жуда кўплаб янгиликлар киритилган аммо асосий HTML 5 қоидалари кўп йиллар давомида ўзгармай қолаверади.

Бу янги ўзгаришлар олдинги асосий қоидаларнинг мантиқини инкор қилмайди балки унга баъзи ўзгариш ва сайсал бериши мумкин.

Бу стандарт HTML га жуда катта ўзгаришлар киритди агар қисқача гапирадиган бўлсак қуйидагиларни санаб ўтишимиз мумкин бўлади:

Разметка ларга янги элементлар киритди `<nav>` ва `<footer>`, ва энди қуйидаги тегларни ишлатишга маслаҳат бермайди `` ва `<center>`;

Янги API. Масалан, янги элемент `<canvas>` (холст) график холстга ёзиш ва чизиз учун, `<audio>` ва `<video>` элемент автоном веб-илова учун , микро маълумотлар ва локал маълумотлар сақлаш(хранилище);

Иловалар . Иккита янги технологиялар ифодаланган: MathML (Math

Markup Language — математик разметкалар тили) математик формулаларни экранга чиқариш учун) ва SVG (Scalable Vector Graphics — векторли графикани масштаблаш учун) янги `<canvas>`. элементида график элементларни ифодалаш учун, бу иккита янги элементни тўла тавсифлаш учун жуда катта хажмдаги маълумотлар керак бўлади, бу иккита MathML ва SVG элемент маҳсус тушунча учун алоҳида китоблар ёзилган бошқа тўхталиб ўтирамаймиз

PHP, MySQL, JavaScript, CSS ва HTML5 ларга қўшимча қилиб динамик веб технологияларга 6 – технологияни веб-серверларни келтиришимиз мумкин. Биз қўйида Apache веб-сервер хақида тўхталамиз.

Биз юқорида веб сервер мижоз ва сервер HTTP протоколи орқали маълумотлар алмашиш жараёнида нима иш қилиши билан қисқача танишиб ўтдик, аммо у биз билганимиздан кўра кўпроқ ишларни бажарар экан.

Масалан Apache нафакат HTML- файлларга балки бошқа файллар билан хам ишлайди, булар қаторига Flash-роликлар, MP3 аудио файл форматдаги, RSS-оқимли файллар (Really Simple Syndication) —ларни киритишимиз мумкин.

Веб клиент томонидан HTML-сахифада изланган хар бир элемент учун, сервердан бажариши керак бўлган хизматни сўрайди.

Аммо бу объектлар статик файл бўлиши мумкин эмас худди GIF-форматдаги каби.

Улар хаммаси генерация қилинган бўлиши керак худди PHP сценариялари каби. Булар қуидагилар бўлиши мумкин: PHP тасвир хосил қилиши мумкин, файл хосил қилиши мумкин, хисоб китобларни кейинги қилиши мумкин. Бунинг учун одатда, олдиндан Apache ёки PHP да компиляция қилинган ёки дастур бажарилиш давомида чақириладиган модул мавжуд бўлади. Худди шундай модуллардан бири GD (Graphics Draw — рисование графики) кутубхонаси айтиш мумкин, бундан PHP график элементларни хосил қилиш ва қайта ишлаш учун фойдаланади.

Apache жуда кўплаб ўз модулларига эга.

PHP модулларига қўшимча қилиб шуни айтиш мумкин хавфсизни таъминлаш учун ишлатиладиган модуллар.

Модуль Rewrite URL-адресларни веб серверга қайта ишлаш ва ички тартиблари ва шартлари билан ёзиб олиш имконини беради.

Тез тез мурожаат қилинадиган сахифаларни кешдан орқали мурожаат қилиш хисобига серверга булаётган сурвлар сонини камайтиради.

Назорат саволлари:

1. Тўла динамик сайтлар яратиш учун зарур бўладиган 4 та компонентани санаб ўтинг?
2. HTML аббревиатура нимани англатади ?
3. Нима учун MySQL номида SQL ном қатнашган ?
4. PHP ва JavaScript веб сахифа динамик таркибини генерация қилиш учун фойдаланиладиган дастурлаш тили хисобланади. Уларнинг асосий фарқлари нималардан иборат ва нима учун сиз бу иккаласидан фойдаланасиз?
5. CSS аббревиатурасининг маъноси нимадан иборат?
6. HTML5 нинг асосий 3 та элементини санаб ўтинг?.
7. Очик кодли дастурий махсулотда хатоликларни билиб қолдингиз, қандай қилиб тўғриланган версияни олиш мумкин ?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. VG Olifer, N. A.Olifer. Computer networks. Principles, technologies, protocols. St. Petersburg: Publishing House. "Peter," in 2000.
2. Duvanov A.A. WEB. Construction of HTML. - St. Petersburg: BHV, 2003.
3. Barrett D. JavaScript. Web-professionals. - Kiev: BHV - Kyiv, 2001.
4. Brandenbau D. JavaScript: a collection of recipes. - St. Petersburg.: Peter, 2000.

2 – мавзу. MySQL асослари. MySQL буйруқлари. MySQL маълумотлар базасига PHP дан мурожаат қилиш. MySQL маълумотлар базасида ишлаш (2 соат).

Режа:

2.1.MySQL га кириш.

2.2.MySQL асослари.

Таянч иборалар: MySQL, маълумотлар базаси, сўровлар, жадвал.

2.1. MySQL га кириш.

Компьютерларга ўрнатилган 10 млн дан ортиқ MySQL нусхалари веб серверлар-даги маълумотлар базалари учун хизмат қилаётгани унинг кенг тарқалғанлигидан далолат беради. MySQL 1990-йилларнинг ўрталарида ишлаб чиқилган, хозирда интернет ресурслар орасида тўлақонли кенг тарқалагн замонавий технологиялар қаторига киради. MySQL ва PHP ларнинг кенг таркалишига яна битта сабаб бу дастурларнинг Open Sourc эканлигидир. Бундан ташкири MySQL маълумотлар базасини бошқариш тизими жуда тез ишловчи, кам ресурс талаб қилувчи, замонавий технологиядир. MySQL маълумотлар базасини бошқариш тизими масштаблашаган тизимдир, яъни сайт хажмига караб ошиб боради, охирги холатни билмокчи булсак, <http://mysql.com/whymysql/benchmarks> адресдан билиб олиш мумкин бўлади.

2.2. MySQL асослари

Маълумотлар базаси – бу маълумотларнинг компьютерда сақлаш учун мўлжалланган, тартибланган, структуралашган, керакли маълумотларни тез излаш ва топишга учун мўлжалланган ёзувлар тўпламидир. MySQL номидан кўриниб турибдики, бу Structured Query Language асосида вужудга келган структуралашган сўровлар тилидир. Умумий холда бу тил бошқа тизимларда хам ишлатилади, масалан, Oracle ва Microsoft SQL Server. У содда сўровлар ёзиш учун мўлжалланган бўлиб масалан, қўйидагича: SELECT title FROM publications WHERE author = 'Charles Dickens';

MySQL маълумотлар базасида бир ёки бир нечта жадваллар бўлиши мумкин, хар бир жадвал сатрлар ёки ёзувлардан иборат бўлади. Сатрларда хар хил устунлар ёки майдонлар бўлиши мумкин. Бу устунлар ёки майдонларда маълумотлар сақланади. Қуйидаги жадвалда, 5 та китоб хақидаги маълумотлар структура билан берилган, автори, номи, категорияси ва чоп қилинган йили.

Author (автор)	Title (название)	Type (категория)	Year (год)
Mark Twain (Марк Твен)	The Adventures of Tom Sawyer («Приключения Тома Сойера»)	Fiction (Художественная)	1876
Jane Austen (Джейн Остен)	Pride and Prejudice («Гордость и предубеждение»)	Fiction (Художественная)	1811
Charles Darwin (Чарльз Дарвин)	The Origin of Species («Происхождение видов»)	Non-Fiction (Научная)	1856
Charles Dickens (Чарльз Диккенс)	The Old Curiosity Shop («Лавка древностей»)	Fiction (Художественная)	1841
William Shakespeare (Вильям Шекспир)	Romeo and Juliet («Ромео и Джульетта»)	Play (Пьеса)	1594

Бу маълумотлар базасини бир қийматли аниқлаш учун publications (издания) маълумотлар базасига мурожаат қиласиз. Агар эътибор қилган бўлсангиз, бу адабиётлар барчаси классик адабиётларга тегишли, шунинг бу базани classics деб атамиз.

MySQL маълумотлар базасининг асосий тушунчалари:

- маълумотлар базаси – MySQL маълумотлар йиғиндинсининг контейнери;
- жадвал — базага киритилган контейнер бўлиб, маълумотларни сақлашга мўлжалланган;
- сатр — алоҳида ёзув, бир неча устундан иборат бўлиши мумкин;
- устун — майдон номи сатр ичida жойлашган бўлади.

Юқорида келтирилган қоидалар қатъий адабиётларда келтирилган таърифлар билан устма-уст тушмаслиги мумкин, аммо бу содда тушуниш учун келтирилган маълумот деб кабул қилинг.

MySQL га командалар сатридан мурожаат

MySQL билан ишлашнинг 2 хил билан танишамиз: командалар сатридан, веб-интерфейс дан масалан phpMyAdmin ва PHP дан фойдаланиш.

MySQL масофадаги серверда

Масофада турган сервердаги MySQL маълумотлар базасига мурожаат қилиш учун масофадаги турган машинага Telnet воситасида чиқилади, бу машина Linux/FreeBSD/UNIX бошқарувида бўлиши керак.

Масофадаги машинага боғлангандан кейин унча катта бўлмаган сервердаги вариацияларни қўриш мумкин.

```
You may also use sysinstall(8) to re-enter the installation and
configuration utility. Edit /etc/motd to change this login announcement.

robnix# mysql -u root -p
Enter password:
Welcome to the MySQL monitor.  Commands end with ; or \g.
Your MySQL connection id is 4377812
Server version: mysql-server-5.0.51a

Type 'help;' or '\h' for help. Type '\c' to clear the buffer.

mysql> show databases;
+-----+
| Database      |
+-----+
| information_schema |
| mysql          |
| test           |
+-----+
3 rows in set (0.02 sec)

mysql> █
```

Агар бу сервер жамоавий фойдаланишга мүлжалланган бўлса, ишлаш тартибида ўзгаришлар бўлиши мумкин. Шунинг учун MySQL га мурожаатда сизда фойдаланувчи номи ва пароли мавжудми аниқлаб олинг. Бу маълумотларни эга бўлсангиз, қўйидаги командани ёзишингиз мумкин, username ўрнига фойдаланувчи номини, parol ўрнига фойдалувчи паролини киритишингиз мумкин. Экранда таклиф пайдо бўлгандан кейин паролни киритиш керак, ундан кейин эса, юқорида кўрсатилгандек тахминан қўйидагича командани киритиш керак : SHOW databases;

Маълумотлар базасида олдинда хосил қилинган маълумотлар хам бўлиши мумкин, улар орасида балки test базаси бўлмаслиги мумкин.

Бунда шунга эътибор қилишимиз керак бўлади, барча амаллар тизим администратори бошқаруви остида бўлади, байзи кутилмаган муаммоларга дуч келишимиз мумкин. Масалан, сиз хосил қилган маълумотлар базаси номига уникал идентификацион сатр жойлаштиришингизни талаб қилиши мумкин, бошқа фойдаланувчилар базасидан фарқлаш учун ва конфликтли муаммоларнинг олдини олиш учун ва хавфсизлик маъносида шунга ўхшаш талаблар қўйиши мумкин. Муаммо туғилган пайтда тизим администратори билан хал қилинади. Ундан битта фойдаланувчи ва парол олиш керак бўлади маълумотлар базаси яратиш учун ёки сиз учун битта тайёр маълумотлар базаси яратиш ни сўраш мумкин. У холда барча керакли жадвалларни шу базада ташкил қилиш мумкин.

Команда сатри интерфейсидан фойдаланиш

Иҳтиёрий опрецион тизим учун (Windows, Mac OS X или Linux) MySQL маълумотлар базаси билан ишлаш командалари деярли фарқ қилмайди.

Нуктали вергул

Энг соддасидан бошлаймиз. Эътибор қилган бўлсангиз, хар бир командадан кейин нуктали вергул қўйилади, масалан, SHOW databases; ?

Бу нүктали вергүл битта команда тугагани ёки командаларнинг биридан иккинчисини фарқлаш учун ишлатилади. Агар бу белгини киритишни эсдан чиқарсак хатолик бўлади, сиздан киритишни талаб қиласди, узун командаларни бир нечта қисмларга ажратиш имконини беради. Бу белги ёрдамида бир нечта командаларни бир пакет қилиб интерпретаторга узатиш мумкин бўлади. Enter тугмасини босишимиз билан интерпретатор бу командаларни берилиш кетма кетлигига бажаради. Экранда MySQL нинг б ҳил таклифини кўришингиз мумкин бўлади. Сиз кўп сатрли киритишнинг қайси этапида турганлигингизни кўришингиз мумкин бўлади.

MySQL командалари

Кўйидаги жадвалда энг кўп ишлатиладиган MySQL командалари келтирилган

Кўпгина командаларни дарсимиз давомида ўрганамиз, олдин иккита мухим MySQL командаларига тегишли маълумотни эслатиб ўтамиз.

- SQL командалари катта кичик харфларни фарқламайди, яъни регистрнинг фарқи йўқ, масалан, CREATE, create и CrEaTe лар бир хил маънода тушунади. Аммо тушунарли бўлиши учун барча командалар учун катта харфларлардан фойдаланишини таклиф қиласми.
- Жадвал номлари Windows да регистрни фарқламайди, аммо Linux и Mac OS X да фарқлайди, шунинг учун жадвал номларида, фақат битта регистрдан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўларди.

MySQL буйруқлари

Буйруклар	Бажарадиган амали
ALTER	МБ ёки жадвалга ўзгартериш киритиш
BACKUP	Жадвалнинг резерв нусхасини олиш
\c	Киритишни инкор қилиш
CREATE	МБ хосил қилиш
DELETE	Жадвалдан сатрни ўчириш
DESCRIBE	Жадвал устинини тавсифлаш
DROP	МБ ёки жадвални ўчириш
EXIT	Чиқиш
GRANT	Фойдаланувчи маълумотларини ўзгартериш
HELP	Ёрдамни ифодалаш
INSERT	Маълумотларни жойлаш
LOCK	Жадвални блоклаш
QUIT	Чиқиш
RENAME	Жадвални қайта номлаш
SHOW	Объектлар хақидаги маълумотлар рўйхати
SOURS	Файлдаги буйруқни бажариш
STATUS	Жорий холатни ифодалаш
TRUNCATE	Жадвални бўшатиш

UNLOCK	Жадвални блоклашни инкор қилиш
UPDATE	Обновление қилиш
USE	МБ фойдаланиш

Маълумотлар базасини ва жадвалларини қуриш

Агар сиз масофадаги серверда ишлаётган бўлсангиз ва сизда битта фойдаланувчи ёзуви ва битта рухсатга эга бўлсангиз битта маълумотлар базаси кўриш имконига эга бўласиз, у холда сиз «Создание таблицы» пунктига ўтишингиз мумкин бўлади. Агар бундай бўлмаса сиз навбатдаги командани киритишни бошлайсиз, янги маълумотлар базасини қуриш учун қуидаги командани киритасиз:

publications;

CREATE DATABASE publications;

Команда мувоффақиятли бажарилса, қуидагича хабар пайдо бўлади — Query OK, 1 row affected (0.38 sec)(Сўров 1 сатри за 0,38 с да қайта ишланди)

Маълумотлар базаси бажарилгандан кейин, у билан ишлаш учун қуидаги командани берамиз:

USE publications;

Энди бу командадан кейин маълумотлар базаси ўзгаргани хақида маълумот хабари пайдо бўлиши керак (Database changed), ундан кейин база кейинги командаларни бажаришга тайёр бўлади.

Фойдаланувчиларга рухсатни ташкил қилиш

Энди сиз MySQL фойдаланиш қанчалик соддалигига ишонч хосил қилган бўлсангиз, ўзингизнинг дастлабки маълумотлар базасини қургандан кейинги масалалардан бири бу фойдаланувчиларга мурожаатга рухсат бериш бўлади, акс холда сайtingиз хакерлик харакатлари содир бўлиши мумкин бўлади. Янги фойдаланувчига рухсат бериш учун қуидагича командалардан фойдаланилади: GRANT бу команда қуидагича ишлайди: GRANT ПРАВА ON база_данных.объект TO 'имя_пользователя@имя_хоста' IDENTIFIED BY 'пароль';

Бу форма қийинчилик туғдирмаслиги керак, қуида баъзи параметр ва унинг қийматлари келтирилган:

Энди биз publications даги янги маълумотлар базасига фойдаланувчига рухсат берувчи командани келтириб ўтамиз фойдаланувчи номи jim пароль эса mypasswd бўлган:

GRANT ALL ON publications.* TO 'jim'@'localhost'
IDENTIFIED BY 'mypasswd';

Бу команда jim@localhost фойдаланувчига publications маълумотлар базаси mypasswd парол билан барча рухсат ва мурожаат лар учун имкон беради. Буни quit командини бериш билан текшириб кўриш мумкин бўлади. Ундан кейин MySQL ни қайта ишлатиб юбориб юқорида айтиб ўтилган фойдаланувчи парол ва логинидан фойдаланиш керак бўлади.

Жадвални хосил қилиш

Жорий холатда сиз publications маълумотлар базаси учун барча рухсатлар (ALL правами) билан MySQL тизимида жадвал хосил қилиш учун бўлишингиз керак. Шунинг учун базага қуидаги командани киритишингиз керак бўлади

USE publications;

3.1. Мисол classics номли жадвал хосил қилиш

CREATE TABLE classics (

author VARCHAR(128),

title VARCHAR(128),

type VARCHAR(16),

year CHAR(4)) ENGINE MyISAM;

Жадвалга маълумотларни киритиши

Жадвалга маълумотларни киритиши учун INSERT командасидан фойдаланилади

Мисол classics жадвалга маълумот киритиши:

INSERT INTO classics(author, title, type, year)

VALUES('Mark Twain','The Adventures of Tom Sawyer','Fiction','1876');

INSERT INTO classics(author, title, type, year)

VALUES('Jane Austen','Pride and Prejudice','Fiction','1811');

INSERT INTO classics(author, title, type, year)

VALUES('Charles Darwin','The Origin of Species','Non-Fiction','1856');

INSERT INTO classics(author, title, type, year)

VALUES('Charles Dickens','The Old Curiosity Shop','Fiction','1841');

INSERT INTO classics(author, title, type, year)

VALUES('William Shakespeare','Romeo and Juliet','Play','1594');

Хар иккита сатрдан кейин сўровни мувоффақиятли тугаганлигини текширишингиз керак бўлади—Query OK.

Хаммаси ижобий бўлса, барча сатрларни чиқариши учун қуидаги командани ёзинг:

SELECT * FROM classics;

Жадвални ўчириш

Жадвални ўчириш жуда содда. Бунинг учун аввало янги жадвал хосил қиласиз ва ўша жадвал мавжудлигини текширамиз ва ундан кейин ўчирлимиз ва уни экранда кўрамиз:

CREATE TABLE disposable(trash INT);

DESCRIBE disposable;

DROP TABLE disposable;

SHOW tables;

PHP воситасида MySQL маълумотлар базасига сўровлар ёзиш

PHP дан MySQL да интерфейс сифатида фойдаланишдан мақсад SQL сўровлар натижаларини форматлаш ва уларни веб сахифада ифодалашдан иборат.

Ўрнатилган MySQL тизимга парол ва логин билан кириб қилинадиган ишларни PHP билан хам амалга ошиш мумкин бўлади. Бунда MySQL командалар сатридан фойдаланиш ўрнига, сўровлар ёзиш ва уни MySQL га узатиш керак бўлади.

MySQL жавоби маълумотлар структураси кўринишида бўлади, бу холда PHP уни таниб олади ва қайта ишлаши учун қулай бўлади. Ундан кейин PHP қайта ишлайди ва веб сахифа форматига айлантиради.

MySQL дан PHP ёрдамида фойдаланиш жараёни қуидагилардан иборат бўлади:

1. MySQL га боғланиш.
2. Фойдаланмоқчи бўлган маълумотлар базасини танлаш.
3. Сўровлар сатрини хосил қилиш.
4. Сўровларни бажариш.
5. Натжаларни олиш ва веб сахифага чиқазиш.
6. 3 ва 5 пункларни барча зарурий маълумотларни олгунча такрорлаш
7. MySQL ни бекитиш.

Ундан кейинги жараёнлар босқичама босқич амалга оширилади, энг аввало тизимга хавфсиз кириш қуриб олиш керак бўлади.

Регистрация файлини хосил қилиш

Кўпгина сайtlар PHP да ишланган к MySQL маълумотлар базаси билан ишлайди, унга мурожаат қилиш учун парол ва логин керак бўлади. Шунинг учун алоҳида файл керак бўлади, бу файл номи одатда login.php деб аташ мумкин. Қуида шу файл тексти берилган.

Файл login.php

```
<?php // login.php
$db_hostname = 'localhost';
$db_database = 'publications';
$db_username = 'имя_пользователя';
$db_password = 'пароль';
?>
```

Бу файлда асосий ролни қамраб олувчи теглар ўйнайди <?php и ?>, бу теглар орасидаги сатрлар PHP кодлар деб интерпретация қилинади.

Агар қамраб олувчи теглар қўйилмаса сайтда файл чақирилганда барча кодларининг текст кўринишида сайтда пайдо бўлиши мумкин. Агар хаммаси жойида бўлса, сайтда бўш сатр пайдо бўлади. Бу файлларни хеч қандай муаммосиз бошқа PHP-файлларга қўшиш мумкин бўлади.

\$db_hostname ўзгарувчи PHP га кайси компьютер маълумотлар базаси билан ишлаши хақидаги хабарни жўнатади. Бундай ўзгарувчининг

мавжудлиги сиз барча компьютерлардаги MySQL маълумотлар базасига рухсат олишингиз мумкинлигини билдиради, PHP ўрнатилган, у ихтиёрий хостни бириктириб бериш имкони мавжуд бўлади.

MySQL га боғланиш <?php

```
require_once 'login.php';
$db_server = mysql_connect($db_hostname, $db_username, $db_password);
if (!$db_server) die("Невозможно подключиться к MySQL: " . mysql_error());
?>
```

Назорат саволлари:

1. Маълумотлар базаси деганда нимани тушунасиз?
2. Қанақа маълумотлар базаси дастурларини биласиз ва уларни имкониятлари?
3. PHP да MySql билан боғланиш функциясини тушунтириб беринг?
4. PHP да MySql сўровларини амалга оширишга мисол келтиrint?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. VG Olier, N. A.Olier. Computer networks. Principles, technologies, protocols. St. Petersburg: Publishing House. "Peter," in 2000.
2. Duvanov A.A. WEB. Construction of HTML. - St. Petersburg: BHV, 2003.
3. Barrett D. JavaScript. Web-professionals. - Kiev: BHV - Kyiv, 2001.
4. Brandenbau D. JavaScript: a collection of recipes. - St. Petersburg.: Peter, 2000.

3- Мавзуу: CSS (Cascading Style Sheets) ни CSS3хисобига кенгайтириш (2 соат)

Режа:

- 3.1. CSS нинг CSS3 хисобига кенгайиши .
- 3.2. Атрибулар селектори.
- 3.4. Background -clip хусусиятлари. Background –origin хусусиятлари.
- 3.5. HTML5 да Холст ва Геолокация.

Таянч иборалар: OpenGL ES, Source code, Universal app, GUI, IDE, OS (Operating System), Resources, Service, Surface, SurfaceView, View, Viewgroup Widget

3.1. CSS нинг CSS3 хисобига кенгайиши

CSS нинг биринчи версиялари 1996 йилда ишлаб чиқилган, 1999 ва 2001 йилда ишлаб чиқилгани барча браузерларга мос келган. Бу версия (CSS1)

стандарти 2008 йилда қайта кўрилган. Иккинчи версия дастлаб 1998 йилда бошланган, стандарти 2007 йилда ва 2009 йилда қайта кўрилган ва якунланган. 2001 йилда CSS3 версия ишлаб чиқилган ва унинг характеристикалари 2009 йилда шаклланган хозиргача ривожлантирилиб бориляпти.

Хали CSS3 стандарти охирига етмаган бўлса хам CSS4 устида иш бошлаб юборилди. CSS4 ни кўплаб браузерлар қабул қила бошлади. CSS4 нинг баъзи характеристикаси JavaScript нинг баъзи функционаллигини ўрнини боса олади.

JavaScript ва CSS3 биргаликда динамик хусусиятлари ишлаб чиқишга харакат қилишни маслаҳат бераман.

Тасаввуримиздаги CSS хусусиятлари хужжат атрибутларини шу хужжатнинг қисмiga айлантиради, улар JavaScript ёрдамисиз хужжатга бирлаштирилади. Қачон у хужжат қисмiga айланса бу тушунарли холат.

3.2. Атрибутлар Селектори

Селектор бу форматлаш безаш параметрларини ўз ичига оловчи стилдир. Селекторларга теглар, синфлар, идентификаторлар киради. Ўнлаб селекторлар мавжуд бўлиб, CSS3 ишлаб чиқган дастурчилар бу селекторлар яхши ишлаши учун кўплаб янгиланишлар киритишда давом этяптилар. Масалан керакли селекторни уни атрибутига қараб топадиган янгиланишлар қилишди. Бунга мисол қилиб, CSS2 даги href-атрибути 'info.htm' сатри ўрнига энди a[href='info.htm'] ишлатиладиган бўлди. CSS3 да яна бошқа ўзгаришлар З та янги операторлар :^, \$ ва * пайдо бўлди.

Оператор ^

Бу опретор сатр бошидан излайди, масалан, қуйидаги href-атрибут қайси сатр <http://website> билан бошланса ўшани излайди.

a[href^='http://website'] Шунга кўра унга мос келувчи сатр қуйидагича бўлиши мумкин :

Куйидаги элемент эса мос келмайди:

```
<a href='http://mywebsite.com'>
```

Оператор \$

Сатр охиридаги мослик билан излаш эса қуйидаги селектор билан мос келади, ихтиёрий img-тег нинг src-атрибути .png билан тугаса қуйидагича код билан амалга оширилади:

```
img[src$='.png']
```

Масалан бунга қуйидаги тег мос келади:

```
<img src='photo.png' /> Қуйидаги тег мос келмайди:
```

```
<img src='snapshot.jpg' />
```

Box –sizing хусусияти

W3C модел блокида аниқланган объектнинг эни ва буйи ундаги элементнинг ўлчамига боғлиқ бошқа чегара ва чекланишларни тан олмайди.

Аммо баъзи веб дастурчилар барча элементлар учун ўлчовларни кўрсатиш хатто чегара чекловларни аниқлаштиришни хоҳлашади.

Бундай хоҳишни амалга ошириш учун CSS3 сизга шундай блокни такклиф қилиши мумкинки, сиз хоҳлаган ўлчамдаги блок билан ишлаш

имконини беради бу box-sizing деб аталади.

Масалан объектнинг умумий буйи ва энини чегара ва чеклашларни хисобга олган қуидаги эълон билан амалга ошириш мумкин:

`box-sizing:border-box;`

Ёки объектнинг буйи ва эни фақат ундағи элементниги бўлса ухолда қуидаги эълон билан амалга ошириш мумкин

`box-sizing:content-box;`

3.1. background-clip хусусиятлари. background-origin хусусияти

background-clip хусусияти фон ишлатиш ёки йўқлигини аниқлади, фон чегараланган соҳада ичидаги бўлсинми ёки ташқарисидами, шунингдай аниқлаш учун ишлатилади. Масалан қуидаги эълон фон элементнинг барча қисмларида чегараланган соҳагача ифодалайди:

`background-clip:border-box;`

Агар эълон фон элементнинг чегараларида ифодаласа:

`background-clip:padding-box;`

Агар эълон фон элементнинг ички қисмини ифодаласа:

`background-clip:content-box;`

Браузерда ифодаланган учта элемент кўрсатилган:

Биринчидан Safari браузерда `background-clip` хусусият `border-box` қиймат билан;

Иккинчидан Safari браузерда `background-clip` хусусият `padding-box` қиймат билан;

Иккинчидан Safari браузерда `background-clip` хусусият `content-box` қиймат билан;

Ички блокнинг биринчи қаторида элементни ихтиёрий ерда ифодалашга рухсат берилади.

Бундан шунингдай ишлатиш мумкинки у биринчи блок доирасида ифодаланади, бунда стил чегараси пунктир билан аниқланади.

Иккинчи қаторда соҳа доирасида фон ва унинг тасвирлари ифодаланади, улар `background-clip` хусусиятнинг `padding-box` қийматига кўра аниқланади.

Учинчи қаторда хусусиятлар элемент хусусиятига `background-clip` га `content-box` қийматни бериш билан хар бир элементнинг ички мазмунини аниқлаш учун ишлатилади.

background-origin хусусияти билан фон тасвир қаерда туришини ва қаердан бошлашини аниқлаштириш (кўрсатиш) мумкин бўлади.

Масалан кейинги эълон фон тасвири ташқи чегаранинг чап юқори қисмидан бошланишини кўрсатади.




Рис. 20.1. Разные способы сочетания свойств фона CSS3

Тасвир ўрнатишни чап юқори бурчакдан бошланиши учун қуидаги эълондан бошлаш керак бўлади:

`background-origin:padding-box;`

Агар тасвирни ўрнатишни чап юқори бурчак элемент ичкарисидан бошлаш учун эса қуидаги эълондан бошлаш керак бўлади:

`background-origin:content-box;`

Расмда биринчи блок учун элемент хусусияти учун `background-origin` унинг қиймати учун эса `border-box`, иккинчи блок учун элемент хусусияти учун `background-origin` унинг қиймати учун эса `padding-box`, учинчи блок учун элемент хусусияти учун `background-origin` унинг қиймати учун эса `content-box` ишлатиляпти.

`background-size` хусусияти

Худди шундай `` тегидаги ўлчовларни аниқлаш усули билан бир хил фон тасвири улчамларини аниқлаш. Кейинги барча браузерлар фонни худди шундай ифодалайди.

Хусусият қуидагича аниқланиши мумкин масалан, `ww —ени, hh — буйи`

`background-size:ww px hh px;`

Зарурат бўлса битта аргументдан фойдаланиш мумкин, агар иккита ўлчов бир хил бўлса.

Агар бу хусусиятни блок элементларига татбиқ қылсак масалан `<div>` ёки `` булар га нисбатан эни ва бўй улчамларини процентда кўрсатиш керак бўлади.

auto қийматидан фойдаланиш

Фон тасвиридан битта ўлчамини ўзгартириш керак бўлса, бошқа улчамлар учун auto қиймати ишлатилади, масалан,

`background-size:100px auto;`

Бу эълон билан эни 100 пиксел ўрнатилади, баландлик шунга мос пропорционал ўзгаради.

3.3. HTML5 да Холст ва Геолокация

HTML5 тили веб-дизайнда анча илдамлаб кетди, татбиқ қилиш қулайлиги билан машхур бўлди.

У графика билан браузерда қўшимча модулларсиз қулай ишлаш имконини берди, масалан Flash ва шунга ўхшаган аудио ва видео файлларни веб сахифага модулларсиз жойлаш имконини берди.

Худди шунингдек бошқа янгиликлар, масалан, фойдаланувчининг ўрнини аниқлаш, ишчи веб жараённи, формани қайта ишлаш яхшиланган, локал маълумот сақлаш воситаларига мурожаат яхшиланган, веб сахифани мобил веб иловага айлантириш имконияти пайдо бўлган.

Шундай пайт келадиги бу тил авторлари томонидан мукаммал ўзгаришлар якунлангандан кейин фойдаланиш имкони бўлди.

Улар хар қандай бўлмасин биз иккинчи динамик веб интерактивлик ривожланиш палласида турганимиз бизга аён, чунки буни Web 2.0 хам билса бўллади.

Аммо буни биз Web 3.0 деб айтишга хали эрта деб ўйлайман, шунинг учун хам HTML5 билан чегараланишяпти.

Нима бўлса хам қизиқ Web 3.0. қандай янгиликлар олиб келади.

Агар тахмин қиласиган бўлсак бу технология сунъий интелект татбиқлари

Siri, Apple, Cortana, Microsoft , Watson , IBM компанияларидаги каби технологияларни, масалан товушли излаш, товушли маълумотлар киритиш, визуал клавиатура каби худди Google Glass, Galaxy Gear соатларидаги каби янгиликларни кутиш мумкин.

HTML5 даги барча янги имкониятлар барча браузерларда фойдаланиш мумкин ва ишлайди

Дастлаб Apple компанияси ишлаб чиқган визуаллаштирувчи дастур WebKit (Safari браузери) учун энди кўпгина iOS, Android, Kindle, Chrome, BlackBerry, Opera и Tizen браузерлар учун вебсахифага график элементлар чизиш имконини беради қўшимча модулларсиз.

Canvas стандартлаштиргандан кейин барча браузерлар учун машхур веб дастурлаш воситасига айланди.

Бошқа HTML-элементлар каби canvas – бу оддий веб сахифа элементи олдиндан ўлчами аниқланган, ичида JavaScript дан фойдаланиб графика

билиш мүмкін.

Холст <canvas> теги ёрдамида хосил қилинады, уни идентификатор билан аниқлаш керак, чунки JavaScript кодда қайси холстта мурожаат

Мисолда mycanvas номлы <canvas> элементи хосил қилинган. Япон байроби расми солинган.

Мисол. HTML5да canvas элементи

```
<!DOCTYPE html>
<html>
  <head>
    <title>Холст HTML5</title>
    <script src='OSC.js'></script>
  </head>
  <body>
    <canvas id='mycanvas' width='320' height='240'>
      Это элемент canvas с идентификатором <i>mycanvas</i>
      Этот текст виден только в браузерах, не поддерживающих HTML5
    </canvas>
    <script>
      canvas = O('mycanvas')
      context = canvas.getContext('2d')
      context.fillStyle = 'red'
      S(canvas).border = '1px solid black'
      context.beginPath() context.moveTo(160, 120)
      context.arc(160, 120, 70, 0, Math.PI * 2, false)
      context.closePath()
      context.fill()
    </script>
  </body>
</html>
```




Рис. 22.1. Рисование японского флага на холсте HTML5

Юқоридаги кодни таҳлил қилиш маънога эга эмас деб ўйлаймиз, хозирда холстдан фойдаланиш соддалигини билишимиз бу ишни амалга ошириш учун бир нечта JavaScript нинг функциясини билишимиз кифоя қиласи .

Геолокация

Геолокациядан фойдаланганда сизнинг браузерингиз веб серверга сизнинг жойлашган ўрнингиз хақидаги маълумотни қайтариши мумкин.

Бу маълумотлар GPS микросхемаларидан олинган бўлиши мумкин, қайсики сиз фойдаланаётган компьютер ёки мобил қурилмадаги, ёки Wi-Fi даги IP-адресга кўра аниқланган бўлиши мумкин.

Хавфсизлик маъносида, фойдаланувчи хар доим вазиятни назорат қиласди, ва хохласа бу хизматдан фойдаланади ёки бутунлай бу хизматни блоклаб қуиши мумкин бўлади.

Бу технология жуда кўп татбиқларига эгадир, масалан қадамли навигация, махаллий хариталар, энг яқин ресторон хақидаги маълумотлар, Wi-Fi борлиги хақидаги, дўстлар хақидаги ва хакозалар.

Мисолда Google харитаси келтирилган фойдаланувчи жойлашган ўрнини кўрсатяпти, бунда фойдаланувчи браузери геолокацию рухсат берилган ва фойдаланувчи ўзи турган жойни аниқлаган. Акс холда хатолик хақида хабар берилади.

Мисол. Фойдаланувчи ўзи турган жойни аниқлаш

```
<!DOCTYPE html>
<html>
  <head>
    <title>Пример геолокации</title>
    <script src='OSC.js'></script>
    <script
src="https://maps.googleapis.com/maps/api/js?sensor=false"></script>
  </head>
  <body>
    <div id='status'></div>
    <div id='map'></div>
    <script>
      if (typeof navigator.geolocation == 'undefined')
        alert("Геолокация не поддерживается.")
      else
        navigator.geolocation.getCurrentPosition(granted, denied)
        function granted(position)
        {
          O('status').innerHTML = 'Разрешение дано'
          S('map').border = '1px solid black'
          S('map').width = '640px'
          S('map').height = '320px'
          var lat = position.coords.latitude
          var long = position.coords.longitude
          var gmap = O('map')
          var gopts =
          {
            center: new google.maps.LatLng(lat, long),
```

```

        zoom: 9, mapTypeId: google.maps.MapTypeId.ROADMAP
    }
    var map = new google.maps.Map(gmap, gopts)
}
function denied(error)
{
    var message
    switch(error.code)
    {
        case 1: message = 'Доступ запрещен'; break; case 2: message =
'Позиция недоступна'; break;
        case 3: message = 'Время ожидания операции истекло'; break;
        case 4: message = 'Неизвестная ошибка'; break;
    }
    O('status').innerHTML = message
}  </script>
</body>
</html>

```

Назорат саволлари:

1. HTML хужжатни нечта турга ажратиш мумкин ?
2. HTML ва Cookies орасидаги болганишни тушунтириинг?
3. Бошқарувчи тегларнинг вазифасини тушунтириинг?
4. Маълумот турини характерловчи теглар вазифасини тушунтириинг?
5. Рўйхатларни қандай ташкил этиш мумкин?
6. CSS селекторлар вазифалари нималардан иборат?
7. CSS синфлар вазифасинимада?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. VG Olifer, N. A.Olifer. Computer networks. Principles, technologies, protocols. St. Petersburg: Publishing House. "Peter," in 2000.
2. uvanov A.A. WEB. Construction of HTML. - St. Petersburg: BHV, 2003.
3. Barrett D. JavaScript. Web-professionals. - Kiev: BHV - Kyiv, 2001.
4. Brandenbau D. JavaScript: a collection of recipes. - St. Petersburg.: Peter, 2000.



IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1 – амалий машғулот. РНР тузилмаси (4 соат)

Ишдан мақсад: РНР ни ўрганиш ва маълумотлар типларидан фойдаланиш, ўзгарувчилар, амаллар операциялар.

Масаланинг қўйилиши:

Билиши керак - маълумотлар типлари. ўзгарувчилар, амаллар ва операциялар.

Қила олиши керак - РНРда ишлаш.

Ишни бажариш учун намуна

Кўп ҳолларда *PHP* тилини интерпретатори ишлаётганлигини текшириб кўриш учун тузиладиган дастур энг содда дастур деб аталади. Ҳозир биз *PHP* тилидаги ушбу дастурни чуқур ўрганамиз ҳамда уни бошқа дастурлаш тиллари Си, Perl ва JavaScript лардан фарқли томонини текширамиз. Ушбу мисолни кўрамиз:

Мисол. РНР кодида тузилган содда html-файл:

```
<html>
  <head> <title> Мисол </title> </head>
  <body>
    <?php echo "<p>Салом, бу мен – РНР скрипт! </p>"; ?>
  </body></html>
```

Бу *PHP* дастурлаш тилининг маҳсус кодли теглари ёрдамида тузилган содда html-файлдир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, *PHP* дастурлаш тили Си ва Perl дастурлаш тилига ўхшаш. Бироқ келтирилган дастур Си ва Perl дастурлаш тилидаги дастурдан анча катта фарқ қиласди. Бу ерда HTML саҳифага чиқариш учун бир қатор маҳсус буйруқларни ёзиш шарт эмас. Бевосита *PHP*-код асосида қурилган бирор вазифани бажарадиган HTML-скрипт ёзилади (бизни мисолда экранда чиқарилган матн). *PHP* дастурлаш тилининг Си ва Perl дастурлаш тилларидан камчилиги шуки, мураккаб скрипларни *PHP* дастурлаш тили анча секин бажаради.

РНР-скриплар – бу серверда бажариладиган ва қайта ишланадиган дастурлардир. Бу скрипларни JavaScript типидаги скриплар билан таққослаш мумкин эмас, чунки JavaScript тилидаги скрипларда ёзилган буйруқлар факат клиент компьютеридагина бажарилади. Клиент компьютерида ва сервер компьютерида бажариладиган скрипларнинг фарқи нимада? Агарда скрипт серверда қайта ишланса, мижоз компьютерига фақатгина натижা юборилади. Масалан, агарда серверда скрипт бажарилаётган бўлса, юқорида келтирилганга ўхшаб мижоз HTML-саҳифа кўринишдаги натижани олади:

```
<html>
```

```
<head> <title> Мисол </title> </head>
<body> <p> Салом, бу мен – PHP скрипт! </p>
</body></html>
```

Бу ҳолатда мижоз қандай код бажарилаётганини билмайди. Ўз серверингизни HTML-файлларни *PHP* процессори қайта ишлайдиган қилиб созлаб олишингиз ҳам мумкин. Яъни клиентлар оддий HTML-файлни қабул қилдими ёки скрипт натижасини кўрдими буни била олмайди. Агарда скрипт клиент компьютерида қайта ишланса (масалан, JavaScript тилидаги дастур), у ҳолда клиент скрипт кодидан иборат HTML-сахифани кўради.

Биз юқорида айтиб ўтгандикки, *PHP-скриптилар* HTML-код ичida ёзилади. Қандай қилиб деган савол туғилади. Бунинг бир нечта усуллари мавжуд. Булардан бири биринчи мисолда келтирилганидек, `<?php` теги билан бошланиб `?>` теги билан тугаган синтаксис. Бундай кўринишдаги маҳсус теглар HTML ва *PHP* режимидагина ишлатилади. Бу синтаксис *PHP* тилини XML хужжатлари билан биргалиқда ишлайдиган дастурларида жуда маъқул кўрилади (масалан, XHTML тилида ёзилган дастурларда). Бироқ базан қуидаги альтернатив вариантдан фойдаланса ҳам бўлади(`echo "Some text"` буйруғи «*Some text*» матнини экранга чиқаради.):

```
<? echo "Бу PHP тилида оддий қайта ишлашнинг инструкцияси"; ?>
<script language="php">
echo "Бир нечта редакторлар (FrontPage) қуидагича қабул қилишади";
</script>
<% echo " ASP технологиясидаги тегдан ҳам фойдаланса бўлади"; %>
```

Бу келтирилган усуллардан биринчиси ҳар доим ҳам бажарилавермайди. Ундан фойдаланиш учун қисқа тегларни ишлатиш керак, ёки *PHP3* учун *short_tags()* функцияни ишлатиш керак, ёки *PHP* тилининг конфигурацион файлига *short_open_tag* буйруқни ўрнатиш керак, ёки *PHP* дастурлаш тилида *enable-short-tags* параметр билан компиляция қилиш керак. Агарда *php.ini-dist* буйруқка юқоридагилар автоматик қўшилган бўлса, у ҳолда қисқа теглардан фойдаланиш тавсия этилмайди. Иккинчи усул худди ўрнига қўйишга ўхшайди, масалан, *JavaScript* кодлари ва унинг учун мос *html* теглар. Шунинг учун ундан ҳар доим фойдаланиш мумкин, лекин бу ноқулайлиги учун камдан-кам ишлатилади. Учинчи усулдан фақат *ASP* технологиясидаги теглар *asp_tags* конфигурациясида ишлатилгандагина фойдаланилади.

PHP дастурлаш тили файлни қайта ишлаётганда у оддий матнни *PHP* код интерпретация қилиши керак бўлган маҳсус тегларни учратмагунча қайтариб беради. Интерпретатор ҳақида гапирганда у топилган барча кодни ёпиладиган теггача бажаради, сўнг яна оддий матн қайтарилади. Бу механизм *PHP*-кодни HTML сахифага айлантиради, яъни барча *PHP* теглардан ташқари барча матнларни ўзгаришсиз сақлайди ва ичкаридагиларни эса интерпретациялади. Яна шуни айтиш керакки, *php*-файл *CGI*-скриптига ўхшамайди. *php*-файл бажарилиши шарт эмас, ёки яна қандайдир белгиланади.

php-файлни серверда қайта ишлаш учун жўнаташиб сервер томонидан браузер сатрида бу файлни йўлини кўрсатиш шарт. *PHP* скриптилар *www*

орқали киришга рухсат этилган жойда жойлашиши шарт. Агарда php-файл локал компьютерда мавжуд бўлса, у ҳолда уни буйруқлар сатри интерпретатори ёрдамида қайта ишлаш мумкин.

Асосий синтаксислар.

Инструкцияни бир нечта қисмга бўлиб кўриб чиқамиз, яъни комментарийлар яратиш, ўзгарувчилар, ўзгармаслар ва маълумот типлари, операторларга.

Биз энди *PHP* дастурлаш тилининг асосий синтаксис элементларини ўрганишга ўтамиз. Мисол сифатида электрон мактуб тайёрлаш масаласини кўриб ўтайлик. Унинг маъноси қўйидагидан иборат.

Фараз қиласизки, сизда қандайдир эълон ва эълонни жўнатишингиз керак бўлган бир нечта одамлар мавжуд бўлсин. Бунинг учун сиз эълонни ичида ўзгарадиган (қабул қилувчи билан боғлиқ бўлмаган) бир нечта параметрлари мундарижаси билан тайёрлайсиз.

Биринчи навбатда PHP дастурлаш тили синтаксисига нисбатан нималарни билиш керак. Бу HTML-код ичига ўрнатилган ва PHP дастурлаш тилидаги кодdir, уни интерпретатор фарқлай билади. Аввалги бўлимларда булар ҳақида айтиб ўтгандик. Ҳаммасини қайтариб ўтмаймиз, фақат биз кўп ҳолларда мисолларда <?php ?> вариант ўрнига қисқартирилган <? ?> теглардан фойдаланишни айтиб ўтамиз.

Инструкцияларни ажратилиши.

PHP дастурлаш тилидаги дастур(ихтиёрий дастурлаш тилидаги) – бу буйруқлар (инструкциялар) тўпламидир. Дастурни қайта ишлаш учун бир буйруқни бошқа буйруқдан фарқини билиш керак. Бунинг учун маҳсус символлар – ажратгичлардан фойдаланилади. PHP дастурлаш тилида инструкцияларни худди Си ёки Perl дастурлаш тиллари каби ажратилади, яъни ҳар бир ифода нуқтали вергул (“,”) билан тугайди.

«?» ёпиладиган тег ҳам инструкцияни тугашини англатади, шунинг учун ундан олдин нуқтали вергул қўйилмайди. Масалан, қўйидаги икки фрагментлар эквивалентдир:

```
<?php  
echo "Hello, world!"; // буйруқлар охирида нуқтали вергул қўйиш шарт  
?>  
<?php  
echo "Hello, world!" ?>  
<!-- "?>" борлиги учун нуқтали вергул ташлаб кетилди -->
```

Комментарийлар.

Кўп ҳолларда дастур тузганда кодни тушунарли бўлиши учун унга қандайдир изоҳ-**комментарийлар** қўйиш керак бўлиб қолади. Бу ҳолат катта ҳажмдаги дастурлар яратганда ҳамда агарда битта дастур устида бир нечта дастурчи ишлаётганда жуда муҳим. Комментарийлар дастурнинг коди тушунарли бўлиши учун ёзилади. Бундан ташқари масалани қисмларга

ажратиб ҳал қилинганда ишнинг камчилиги бор жойида кейинчалик эсдан чиқмаслиги учун комментария ёзиб қўйилади. Барча дастурлаш тилларида дастур ичига комментария қўшиш имконияти мавжуд. *PHP* дастурлаш тилини бир қанча кўринишдаги комментарийларни қўллаб қувватлади: Си, C++ дастурлаш тиллари стилидаги ҳамда Unix қобигидаги комментарийлар. // ва # белгилар бир сатрли комментарийларни англатса, /* Ва */ белгилар эса мос равишида кўп сатрли комментарийларнинг бошланиш ва тугашини англатади.

```
<?php
echo "Мени исмим Алишер";
// Бу бир сатрли комментарий C++ дастурлаш тилини стилидаги
echo "Мени фамилиям Болиев";
/* Бу кўп сатрли комментарий. Бу ерга бир қанча сатр ёзиш мумкин.
Дастур бажарилиш жараёнида бу ердаги барча ёзувлар (комментарийланган),
ўқилмайди.*/
echo "Мен PHP дастурлаш тилини INTUIT.ru дан ўрганяпман";
# Бу комментарий Unix қобигидаги комментарий.
?>
```

Ўзгарувчилар, ўзгармаслар ва операторлар.

Ҳар бир дастурлаш тилида муҳим элементлардан бири бу ўзгарувчилар, ўзгармаслар ва улар қўлланиладиган операторлардир. *PHP* дастурлаш тилини бу элементларни қандай белгилаши ва қайта ишлашини кўриб чиқамиз.

Ўзгарувчилар

PHP дастурлаш тилида ўзгарувчилар олдиға доллар белгиси ("\$") кўйиб эълон қилинади, масалан, \$my_var.

Ўзгарувчилар номлари регистрларни фарқлайди, яъни \$my_var ҳамда бош ҳарфли \$My_var ўзгарувчилари турли хил ўзгарувчилардир.

PHP дастурлаш тилида ўзгарувчилар номи қолган дастурлаш тиллари қоидалари каби эълон қилинади: ўзгарувчи номи лотин алфавити билан бошланиши ва ундан кейин ҳарфлар ёки тагига чизилган белги ёки рақамлар бўлиши мумкин.

PHP3 дастурлаш тилида ўзгарувчилар ҳар доим бирор-бир қийматга ўзлаштирилади. Яъни ўзгарувчини бирор-бир ифодага ўзлаштиrsак, ифоданинг қиймати ўзгарувчига ўзлашади. Буни қўйидаги мисолда кўриш мумкин, яъни бир ўзгарувчини қиймати бошқасига ўзлаштирилганда улардан бирини қийматини бошқасига таъсир кўрсатмайди.

Мисол. Қиймат бўйича ўзлаштириш

```
<?php
$first = ' Text '; // $first ўзгарувчига ' Text ' қийматни ўзлаштиридик
$second = $first; // $second ўзгарувчига $first ўзгарувчи қиймати
                  ўзлаштирилди
$first = ' New text '; // $first ўзгарувчи қиймати ' New text ' қийматга
                  ўзгартирилди
echo "first номли ўзгарувчи қиймати ".
```

```

"$first ға тенг. <br>";
// $first ўзгарувчи қийматини экранга чиқарамиз
echo "second номли ўзгарувчи қиймати ".
"$second ға тенг. ";
// $second ўзгарувчи қийматини экранга чиқарамиз
?>

```

Бу скриптни натижаси қуйидагича бўлади:

first номли ўзгарувчи қиймати Text ға тенг.

second номли ўзгарувчи қиймати New text ға тенг.

PHP4 дастурлаш тилида булардан ташқари ўзгарувчига қиймат ўзлаштиришнинг яна бир усули мавжуд: ссылка бўйича ўзлаштириши. Ссылка бўйича ўзгарувчига қиймат ўзлаштириш учун уни номи бўлиши шарт, яъни у қандайдир ўзгарувчини тақдим этиши керак. Бир ўзгарувчи қийматини бошқа ўзгарувчига Ссылка бўйича ўзлаштириши учун биринчи ўзгарувчи олдига амперсанд & белгиси қўйиш шарт.

Бунга юқоридаги мисолни кўриб чиқамиз, факат first ўзгарувчи second ўзгарувчига ссылка бўйича ўзлаштирилади:

Мисол. Ссылкалар бўйича ўзлаштириш

```

<?php
$first = 'Text'; // $first ўзгарувчига 'Text' қиймат ўзлаштирилди
$second = &$first;
/* $second.орқали $first ўзгарувчига ссылка қиласиз. Энди бу
ўзгарувчилар қийматлари ҳар доим тенгdir */
// $first ўзгарувчи қийматини 'New text' қийматга ўзгартирамиз
$first = 'New text';
echo "first номли ўзгарувчи қиймати ".
      "$first ға тенг <br>";
// $second ўзгарувчи қийматини экранга чиқарамиз
echo "second номли ўзгарувчи қиймати ".
      "$second ға тенг";
?>

```

Бу скриптни натижаси эса қуйидагича бўлади:

first номли ўзгарувчи қиймати New text ға тенг.

second номли ўзгарувчи қиймати New text ға тенг.

Яъни \$first ўзгарувчи қиймати ўрнига \$second ўзгарувчи қиймати ўзлаштирилди.

Ўзгармаслар

Скрипт бажарилиш жараёнида ўзгармайдиган қийматли катталикларни сақлаш учун ўзгармаслардан фойдаланилади. Бундай катталиклар математик ўзгармаслар, пароллар, файлларнинг йўллари ва бошқалар бўлиши мумкин. Ўзгармасларнинг ўзгарувчилардан асосий фарқи шуки, уларни фақат бир мартагина ўзлаштирилади ва уни қийматини эълон қилингандан кейин бекор қилиб бўлмайди. Бундан ташқари ўзгармаслар олдида доллар белгиси

қийлмайди ҳамда уни оддий қиймат ўзлаштириш каби қараш мумкин эмас. Ўзгармаслар қандай аниқланади? Бунинг учун маҳсус `define()` функцияси мавжуд, унинг синтаксиси қуидагичадир:

```
define("Ўзгармас номи",
       "Ўзгармас қиймати",
       [регистрга_сезирлиги_кичик])
```

Ўзгармаслар номи регистрга сезирлиги катта. Ҳар бир ўзгармасларда уни ўзгариши мумкин, яъни `регистрга_сезирлиги_кичик` аргументни қиймати сифатида `True` ыймати кўрсатилади. Ўзгармаслар номи ҳар доим катта регистр билан ёзишга келишиб олинган.

Ўзгармасни қийматини билиш учун уни номини кўрсатиш керак. Ўзгарувчидан фарқи ўзгармас номи олдига \$ белги қўйилмайди. Бундан ташқари ўзгармасни қийматини билиш учун константа номи билан параметр сифатида `constant()` функциясидан фойдаланиш мумкин.

Мисол. PHP дастурлаш тилида ўзгармаслар

```
<?php
// ўзгармасни аниқлаймиз PASSWORD
define("PASSWORD","qwerty");
// регистрланмаган PI ўзгармасни қийматини аниқлаймиз 3.14
define("PI","3.14", True);
// PASSWORD ўзгармас қийматини оламиз, яъни qwerty
echo (PASSWORD);
// бу ҳам qwerty ни чиқаради
echo constant("PASSWORD");
echo (password);
/* password ни чиқаради ва биз регистрланган ўзгармас PASSWORD ни
кутгандик.*/
echo pi;
// 3.14 ни чиқаради, чунки ўзгармас PI регистрланмаган ва аниқланган.
?>
```

Дастурчи томонидан ўзгарувчилардан ташқари юқорида айтиб ўтганимиздек *PHP* дастурлаш тилида мавжуд ўзгармаслар ҳам интерпретатор томонидан аниқланади. Масалан, `_FILE_` ўзгармас дастур бажарилиш жараёнида файл номини (ва файл йўлини), `_FUNCTION_` функция номидан ташкил топади, `_CLASS_` - синф номи, `PHP_VERSION` - *PHP* дастурлаш тили интерпретатори версиясини ўзида сақлади. Бундай ўзгармасларнинг барча рўйхатини *PHP* дастурлаш тили учун мўлжалланган қўлланмалардан топиш мумкин.

Амаллар

Ўзгарувчилар, ўзгармаслар ва ифодалар устида турли ҳисоблашларни бажарадиган бу **амаллар**дир. Биз ҳали бу ифодалар ҳақида тўхтаб ўтганимиз йўқ. Ифодалар қийматини ушбу амаллар ёрдамида аниқланади. Ўзгарувчилар ва ўзгармаслар – бу ифодаларнинг асосий ва жуда содда шаклидир. Шундай ифодаларни қўпайтириши мумкин бўлган амаллар тўплами мавжуд. Уларни қуида тўлиқроқ муҳокама қиласиз:

Арифметик амаллар.		
Белгиланиши	Номланиши	Мисол
+	Кўшиш	$\$a + \b
-	Айриш	$\$a - \b
*	Кўпайтириш	$\$a * \b
/	Бўлиш	$\$a / \b
%	Бўлишдаги қолдик	$\$a \% \b

Сатрли амаллар.		
Белгиланиши	Номланиши	Мисол
.	Конкатенация (сатрларни кўшиши)	$\$c = \$a . \$b$ (бу $\$c$ сатр $\$a$ ва $\$b$ сатрлардан иборат)

Ўзлаштириш амаллари.			
Белгиланиши	Номланиши	Изоҳ	Мисол
=	Ўзлаштириш	Оператордан ўнг томонда турган ўзгарувчилар устида бажарилган амаллардан ҳосил бўлган натижа қиймати ўзлаштирилади.	$\$a = (\$b = 4) + 5;$ ($\$a$ 9 га teng, $\$b$ 4 ga teng)
+=		Қисқартириш. Ўзгарувчига сон кўшилади ва кейин натижа ўзлаштирилади.	$\$a += 5;$ ($\$a = \$a + 5$ ifodaga эквивалент;)
.=		Ўзлаштириш ва конкатенация амаллари комбинациясини қисқартирилган шакли(даставвал сатрлар кўшилади, сўнгра ҳосил бўлган сатр ўзгарувчига ўзлашади).	$\$b = "Хаммага";$ $\$b .= "салом";$ ($\$b = \$b . "салом"$ ifodaga эквивалент;) Натижаси: $\$b = "Хаммага салом"$

Матиқий амаллар.			
Белгиланиши	Номланиши	Изоҳ	Мисол
and	ВА	$\$a$ ва $\$b$ рост ($true$)	$\$a$ and $\$b$
&&	ВА		$\$a$ && $\$b$
or	ЁКИ	$\$a$ ёки $\$b$ ўзгарувчилардан ҳеч бўлмагандан	$\$a$ or $\$b$

		биттаси рост бўлса (иккаласи ҳам рост бўлишиш мумкин).	\$b \$a \$b \$a \$b ! \$a
	ЁКИ		
xor	Инверсия ЁКИ	Ўзгарувчилардан биттаси рост бўлса. Агарда иккаласи ҳам рост бўлса инверсияланади.	xor
!	Инверсия (NOT)	Агарда <code>\$a=True</code> , у ҳолда <code>!\$a=False</code> ва акс ҳолда тескариси бўлади.	! \$a

Таққослаш амаллари.

Белгиланиши	Номланиши	Изоҳ	Мисол
==	Тенглик	Ўзгарувчилар қийматлари тенг	<code>\$a == \$b</code>
==	Эквивалентлик	Ўзгарувчилар қийматлари ва типлари тенг	<code>\$a === \$b</code>
!=	Тенгсизлик	Ўзгарувчилар қийматлари тенг эмас	<code>\$a != \$b</code>
<>	Тенгсизлик		<code>\$a <> \$b</code>
!==	Ноэквивалентлик	Ўзгарувчилар эквивалент эмас	<code>\$a !== \$b</code>
<	Кичик		<code>\$a < \$b</code>
>	Катта		<code>\$a > \$b</code>
<=	Кичик ёки тенг		<code>\$a <= \$b</code>
>=	Катта ёки тенг		<code>\$a >= \$b</code>

Инкремент ва декремент амаллари.

Белгиланиши	Номланиши	Изоҳ	Мисол
<code>++\$a</code>	Пре-инкремент	<code>\$a</code> қиймати бирга оширилади <code>ва \$a</code> қиймати қайтарилади	<code><?</code> <code>\$a=4;</code> <code>echo "4</code>
<code>\$a++</code>	Пост-инкремент	<code>\$a</code> қиймати қайтарилади ва сўнгра <code>\$a</code> қиймати бирга оширилади	<code>бўлиши</code> <code>шарт:" .\$.a++;</code> <code>echo "6</code>
<code>--\$a</code>	Пре-декремент	<code>\$a</code> қиймати бирга камайтирилади ва <code>\$a</code> қиймати қайтарилади	<code>бўлиши</code> <code>шарт:" .+\$a;</code> <code>?></code>
<code>\$a--</code>	Пост-декремент	<code>\$a</code> қиймати қайтарилади ва сўнгра <code>\$a</code> қиймати бирга камайтирилади	

Маълумотлар типлари.

PHP дастурлаш тили саккизта содда маълумот типларини қўллаб кувватлади:

Тўрттаси скаляр *типлар*:

- *boolean* (мантиқий);
- *integer* (бутун);
- *float* (нуқтаси силжийдиган);
- *string* (сатрли).

Иккитаси аралиш *типлар*:

- *array* (массив);
- *object* (объект).

Иккитаси маҳсус *типлар*:

- *resource* (ресурс);
- *NULL*.

PHP дастурлаш тилида ўзгарувчилар типлари ошкора эълон қилинмайди. Кўпинча ўзгарувчи қўлланилган контексадан, яъни ўзгарувчига ўзлаштирилган қиймат итпидан мустақил равишдаги дастур бажарилиш жараёнидан интерпретатор ўзи бу ишни бажаради. Кўйида юқорида санаб ўтилган маълумотлар типларини бирма-бир кўриб чиқамиз.

Boolean типи(Буль ёки мантиқий тип).

Бу содда тип қийматни рост эканлигини ифодалайди, яъни ўзгарувчи фақат иккита қиймат қабул қиласи – рост `TRUE` ёки `FALSE`.

Мантиқий типларни аниқлаш учун `TRUE` ёки `FALSE` калит сўзларидан фойдаланамиз. Бу иккала типлар регистрланмаган.

```
<?php $test = True; ?>
```

Мантикий операторлар

|| ИЛИ оператори. True қиймат қайтаради, қачонки операндлардан бирни true бўлса.

&& И оператори. True қиймат қайтаради, қачонки иккни операнд true бўлса

Ўзлаштириш оператори

Ўзлаштириш оператори ўзгарувчиларнинг қийматини ўзлаштириш учун ишлатилади. JavaScript тилида ва С дастурлаш тилидаги каби бу оператор бошқа операторлар билан комбинациясига рухсат этилади. Қуйида ўзлаштириш операторини бошқа операторлар билан комбинацияси берилган:

- = Оддий ўзлаштириш
- += Сонли қийматни катталаштириш ёки қаторларни қўшилиши
- = Сонли қийматни кичиклаштириш
- *= Кўпайтириш
- /= Бўлиш
- %= Бўлишдан қолган қолдиқни хисоблаш
- >>= Ўнгга силжиш
- >>>= Бўшатиладиган разрядларни ноллар билан тўлдириб ўнгга силжиш
- <<= Чапга силжиш
- |= ИЛИ
- &= И
- ^= ИСКЛЮЧАЮЩЕЕ ИЛИ

С тили билан таниш бўлмаганлар учун ўзлаштириш операторини бошқа операторлар билан биргаликда ишлатилиши қийинроқ ва ғайриоддий туйилиш мумкин, лекин аслида сценарийни осонлаштирадибошланғич

текстни соддалаштиради.

Масалан сонли ўзгарувчилар қийматини ошириш учун `+=` оператори ишлатилади. Аввал бу вазифани ечимини `+=` операторини ишлатмаган холатда кўриб чиқамиз. Қуйида nCounter ўзгарувчиси эълон қилинди ва унга бошланғич 1 қиймати ўзлаштирилди, сўнг бу қиймат 5 га оширилди:

```
var nCounter = 1;  
nCounter = nCounter + 5;
```

Энди буни `+=` оператори ёрдамида бажарамиз:

```
var nCounter = 1;  
nCounter += 5;
```

Кўриниб турибдики 2-усул 1-усулга нисбатан қисқа.

Ўзгарувчи қийматини 3 разрядга ўнгга силжитиш учун `>>=` операторидан фойдаланиш мумкин ва у қуйидаги матнда кўрсатилган:

```
nCounter >>= 3;
```

Натижа эса қуйидаги матнда кўрсатилганидек бўлади:

```
nCounter = nCounter >> 3;
```

JavaScript тилида функция

Бошланғич матн бўлагини функция кўринишида ёзиш мумкин ва уларни **JavaScript** сценарийсининг турли жойларидан мурожаат қилиш мумкин. Одатда функциялар HTML документини сарлавҳа бўлимида аниқланади. Функциялар чақирилишидан аввал эълон қилиниши керак ва барча функция эълони HTML документ сарлавҳасида жойлаштирилган бўлиши керак.

Функциянинг умумий эълони қуйида келтирилган:

```
function имя([параметр 1] [,параметр 2] [...,параметр N])  
{ ...  
    Функция матни қаторлари  
    ...  
    [return қиймат]  
}
```

Барча параметрлар функцияга қийматига берилади. Шунинг учун функция унга параметр сифатида бериладиган ўзгарувчилар қийматини ўзgartира олмайди.

Return калит сўзи ёрдамида функция қиймати қайтарилади.

JavaScript сценарийли тили обьектга-мўлжалланган тилдир. JavaScript обьектлари хусусиятлар ва усуллар тўпламини ифодалайди. Объект хусусияти – бу, обьектга боғлиқ бўлган маълумотлардир, усуллар эса - обьект маълумотларини қайта ишловчи функциялардир. JavaScript сценарийда хусусиятларни адреслаш уларнинг номлари билан ёки уларнинг номерлари билан амалга ошиши мумкин. Кейинги вариант бўйича, ҳар бир хусусият массивнинг бир элементи сифатида олинади ва улар ўзларининг уникал номерларига эга бўладилар.

JavaScript тилида С ва Java дастурлаш тилларидағи каби процедура ва функциялар мавжуд бўлиб, улар қуйидагича эълон килинади:

- function калит сўзи;
- функция номи;
- вергул ва кавс билан ажратилган аргументлар рўйхати;
- фигурали кавс ичига олинган функция танаси.

function myFunction(arg1, arg2, ...)

{

...

Операторлар кетма-кетлиги

...

}

Бу ерда myFunction – функция номи, arg1, arg2 – параметрлар.

Мисол:

```
function Factorial(n) {
if((n<0)||(round(n)!=n)) {
    alert("Factorial функцияси ушбу аргументда аниқланмади "+n);
    return NaN;
} else {
    result=(n*Factorial(n-1));
    return result;
}
```

Функцияда return калит сўзи орқали қиймат қайтарилилмагни ҳам мумкин.

Мисол:

```
function Greeting(s){
    document.write("Hello,"+s+"!");
    return ;
}
```

Функцияни чақириш аниқ параметрлар билан чақирилади:

Мисол:

Factorial(3);

- бу функция натижаси 6 га teng,

Greeting("world");

- бу функция экранга "Hello, world!" стрини чиқаради.

Хар бир функция, масалан, **myFunction** функцияси myFunction номли объект хисобланади, агарда аргументлар arguments номи билан берилса, унга мурожаат қуидагича:

myFunction.arguments[i], бу ерда i — аргумента номери (ракамлаш 0 дан бошланади).

Функция эълонида аниқ параметрлар формал параметрларга teng еки кўп сонда бўлиши лозим. Бунда функция ишга туширилганда жунатилаетган аргументлар миқдори myFunction.arguments.length майдони ёрдамида аниқланади ва ушбу майдондаги қийматни қайта ўзлаштиришни динамик ўзгартириш мумкин.

Мисол:

Экранга HTML форматидаги рўёхатни чиқариш.

Бу ерда (ListType) нинг биринчи аргументи тартибланмаган рўйхат учун "о" еки "O", тартибланмаган рўйхат учун "и" еки "U" булиши мумкин.

```
function myList(ListType) {  
document.write("<" +ListType+"L'");  
for(var i=1; i < myList.arguments.length; i=i+1) {  
document.write("<LI>" +myList.arguments[i]);  
}  
document.write("</"+ListType+"L>");  
}
```

HTML хужжатида функцияга мурожаат қўйидагича:

```
<script> myList("o", "матн", 2, "3") </script>
```

Натижа:

матн

2

3

Global класи

Ушбу класс JavaScript нинг функционал қисми бўлиб, бу класс бир обьектда бир нечта усул ва хоссаларни бирлаштириш вазифасини бажаради. Усулга мурожаат қилинганда обьект кўрсатилмайди, аниқроғи бу усул конструкторга эга бўлмайди. Бундай хосса ва усулларга қўйидагиларни келтириш мумкин:

Хосса	Мазмуни
Nan	NaN (Not A Number)
Infinity	Number.POSITIVE_INFINITY қийматни ўз ичига олади

Усул	Мазмуни
escape	Қаторни барча платформаларга мос ҳолда тасвирлаш
eval	JavaScript тили функцияси еки усулларини узатиш
isFinite	Аргументнинг охирги рақамлилигини аниқлаш
isNaN	Аргументнинг рақам ёки рақам эмаслигини аниқлаш
parseFloat	Қаторни кўчиб юрувчи нуқтали сон кўринишида тасвирлаш
parseInt	Қаторни бутун сонга айлантириш
unescape	Escape функцияси натижасини қайтариш

eval(s) функцияси - s қаторни JavaScript операторлари кетма-кетлиги кўринишида тасвирлаш.

getClass(Job) функцияси – JavaObject типидаги аргумент учун JavaClass обьектини қайтаради.

Мисол:

```
var myJavaRClass=new java.awt.Rectangle()  
var myJavaRClass=getClass(myJavaRect)
```

`getClass()` Java-методи билан адаштирунган:

`var myJavaRCObject=myJavaRect.getClass()` - бу `java.awt.Rectangle` класининг Java тилидаги реализация ҳолати.

`isNaN(x)` функцияси – `x` “Not a Number”, яъни сон эмаслигини текшириш.

`parseFloat(s)` функцияси – `Float` типидаги `s` рақамни аниқлаш. Агар сон топилмаса у ҳолда `Nan` (“Not a Number”) қиймати қайтарилади.

`parseInt(s)` – `Integer` типи учун юқоридаги ҳолат.

eval(s) функцияси

`eval(s)` функцияси – JavaScript нинг ички функцияси ҳисобланади. Ушбу функция бир ёки бир нечта JavaScript операторларидан иборат бўлган `s` сатрни аргумент томонидан узатилган кодни бажаради. Бунда `s` сатридаги операторлар нуқтали вергул ёрдамида ажратилади. Бу функция нафакат операторни бажариш, балки бирор амалларни ҳисоблаш имконини ҳам беради. Бунда у кодда келтирилган амал ҳисобининг охирги қийматини қайтаради.

isNaN(x) функцияси

Бу функция `x` аргументнинг “сон эмас” лигини текширади. Натижа `Nan` қийматга эга эмаслигини, яъни мумкин булмаган сон (масалан, нолни нолга бўлиш натижаси) ни текширади. Ушбу функция JavaScript да литерал кўринишда `Nan` қийматни бериш мумкин эмаслиги учун муҳимдир. Бундан ташқари `parseFloat(s)` ва `parseInt(s)` функциялар натижаларини текшириш (мумкин бўлган сон эканлигини) ва арифметик хатолар мавжудлиги, масалан, нол сонига бўлиш мавжудлигини текширади.

parseFloat(s) функцияси

`s` сатрини синтаксик анализ қилиш ва дастлаб ракамни қайтариш (сатрни рақамна айлантиради). `parseFloat(s)` да `s` сатрида рухсат этилмаган рақам элементлари (масалан, белгилар, рақам, ўнли вергуллар, даражা кўрсаткичи ва ҳоказо) мавжуд булса анализ тўхтатилади ва қиймат қайтарилади. Агарда `s` сатрда сон билан бошланмаса, у ҳолда `parseFloat(s)` функция `Nan` қийматни қайтаради.

parseInt(s) функцияси

Бу функция сатрни бутун сонга айлантиради. `parseInt(s)` функциядаги `s` сатрда ҳисоблаш тизимида кўрсатилмаган қийматларга эга бўлганда синтаксик анализ тўхтатилади ва қиймат қайтарилади. Одатда, `parseFloat` ва `parseInt` функциялар `s` сатр сон билан бошланмагандан `Nan` қиймат қайтаради.

`parseInt(s,n)` ҳолатида `n` асос ихсобланиб, агарда `n=10` бўлса, `parseInt(s)` функция сатрдаги 10 лик саноқ системасидаги сонларни текширади. `n=8` бўлса, 8 лик соноқ тизимида сонлар мавжудлигини (бунда `n`дан 0 дан 7 гача бўлган сонлар қийматига эга бўлиши мумкин). `n=16` бўлса, 16 лик соноқ тизимида сонлар мавжудлигини (бунда 0 дан 9 гача бўлган сонлар ва A дан F гача бўлган ҳарфлар қийматига эга бўлинади). Агарда `n=0` бўлса ёки қиймат берилмаса, у ҳолда `parseInt(s)` функция сатрнинг ўзидан асосни аниқлайди. Бу ҳолатда агарда сатр 0x билан бошланса, унда функция

сатрнинг қолган қисмини 16 лик саноқ тизимидағи сон сифатида анализ қиласы, агарда сатр 0 дан бошланса, сатр 8 лик саноқ тизимидағи қиймат сифатида анализ қилинади.

Math класси

Math – константалар ва методлардан иборат классдир. Улар объект учун одатдагидек мурожаат қилинади:

Math.константа

Math.функция(и..)

Math класси константалари

E – е сони (натурал лагорифм асосли)

LN10 — 10 ли натурал лагорифм (ln10 сони)

LN2 — 2 ли натурал лагорифм (ln2 сони)

LOG10E — 10 асосли е лагорифм (log10e сони)

LOG2E — 2 асосли е лагорифм (log2e сони)

PI — р константаси ("пи" сони)

SQRT1_2 — 2 нинг тескари квадрат илдизи ($1/\sqrt{2}$)

SQRT2 — 2 нинг квадрат илдизи ($\sqrt{2}$)

Math класси методлари

abs(x) (x-сон еки ифода) – абсолют қийматни ҳисоблаш;

acos(x) (x бу ерда [-1.0;1.0] радиан интервалдаги сон еки ифода) – арккосинусни ҳисоблаш. Қайтариладиган қиймат 0 дан р радиан оралиғида бўлади.

asin(x) (x бу ерда [-1.0;1.0] радиан интервалдаги сон еки ифода) – арксинусни ҳисоблаш. Қайтариладиган қиймат - $\pi/2$ дан $\pi/2$ радиан оралиғида бўлади.

atan (x) (x – сон еки ифода) – арктангенсни радианларда ҳисоблаш. Қайтариладиган қиймат - $\pi/2$ дан $\pi/2$ радиан оралиғида бўлади.

atan2(x,y)(x,y — тўғри бурчакли кордината системаси кордината нуқталари) – қутб кординатасида (x,y) нуқталар бурчагини ҳисоблайди. Қиймати 0 дан 2r радиан оралиғида бўлади.

ceil(x) (x — сон ёки сонли ифода) – сонни бутун сонга йўналтирилган ҳолда яхлитлаш. Манфий сонлар 0 сони йўналишига караб яхлитланади.

cos(x) (x – радиандаги бурчак) – косинусни ҳисоблаш, қайтариладиган қиймат -1.0 дан 1.0 радиан оралиғида бўлади.

sin(x) (x – радиандаги бурчак) – косинусни ҳисоблаш, қайтариладиган қиймат -1.0 дан 1.0 радиан оралиғида бўлади.

Exp(x) (x – сон ёки сонли ифода) — е экспонентсини ҳисоблаш.

Floor(x) (x – сон ёки сонли ифода) – сонни бутун қисмига йўналтириб яхлитлаш, масалан, floor(-1,1) teng (-2); floor(1,1) teng 1.

Log(x) (x – мусбат сон ёки ифода) – натурал лагорифмни ҳисоблаш.

max(a,b) (a,b – сон ёки ифода) – икки қийматдан каттасини қайтаради.

min(a,b) (a,b – сон ёки ифода) – икки қийматдан кичигини қайтаради.

`pow(x,y)` — x ни ҳисоблаш (биринчи аргументни даражага күтариш).

`random` — 0 дан 1 гача интервалдаги тасодифий сонларни ҳисоблаш.

`round` — сонни бутун қисмiga қараб яхлитлаш (масалан, `round(15.5)` натижаси 16 ни беради, `round(-15.5)` дает -15).

`Math.round(x)` (x — сон ёки ифода)

`Math.sin(x)` (x — радианда берилган бурчак)

`Math.sqrt(x)` (x — 0 га тенг ёки катта бўлган сон ёки ифода)

`tan` —тангенсни ҳисоблаш.

`Math.tan(x)` (x — радианда берилган бурчак)

Класс Date

`Date()` методи аргументсиз берилганда қиймати жорий сана ва вақтга эга Date обьекти яратилади. `Date()` методида янги обьект учун аргументи сифатида сана ва зарур ҳолларда вақт кўрсатилади. Date методи JavaScript тилини обьексти ҳисобланиб, HTML тилида ҳеч қандай аналогга эга эмас. Кўп ҳолларда Date обьекти методлари унинг экземпляти ёрдамида чақирилади, масалан:

```
d=new Date(); // бугунги сана ва вақтни олиш
```

```
system.write("Today is: "+d.toLocalizedString()); // ва уни тасвирлаш
```

Date обьектини яратишнинг юқоридаги синтаксисида кўрсатилгани бўйича, сана ва вақт ҳудудий вакт бўйича берилади. Агарда тузилаётган дастур фойдаланувчи жойлашган часовой поясга боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаши зарур бўлса, у ҳолда Гринвич (GMT) еки универсал координация вақти (UTC) бўйича санани кўрсатиш керак бўлади.

Date обьектини яратишда қуйидаги 5 та синтактик вариантдан фойдаланиш мумкин. 3-5 вариантларда вақт ҳудудий тарзда интерпретация килинади (Гринвич да эмас):

1. `new Date();`
2. `new Date(миллисекунд)` – бу ерда миллисекунд жорий сана билан 01.01.1970 сана яримкуни орасидаги сон;
3. `new Date(сана сатри)` – бунда сана сатри = ой номи, дд, гг [чч:мм[:сс]]
4. `new Date(йил, ой, кун)` – бунда, йил 2011; ой 0-11; кун 1-31;
5. `new Date(йил, ой, кун, соат, минут, секунд)` – 24 соатликтизимда.

Date класси методлари

`getDate()` - Date обьектининг 1 дан 31 гача оралиқдаги қийматини беради;

`getDay()` - Date обьектининг 0 [якшанба] дан 6 [шанба] гача оралиқдаги хафта кунлари беради;

`getHours()` - Date обьектининг 0 [ярим тун] дан 23 гача оралиқдаги соат майдони қийматини беради;

`getMinutes()` - Date обьектининг 0 дан 59 гача оралиқдаги минут майдони қийматини беради;

`getSeconds()` - Date обьектининг 0 дан 59 гача оралиқдаги секунд майдони қийматини беради;

`getMonth()` - Date обьектининг 0 [январ] дан 11 [декабр] гача оралиқдаги ойларни беради;

`getTime()` - Date обьекти вақт кўрсаткичининг миллисекундлардаги қийматини беради;

`getYear()` - Date обьекти вақт кўрсаткичининг йиллар майдони қийматини беради; бунда 2011 йил 11 кўринишида берилади;

`parse()` - сананинг сатр кўринишидаги ҳолатини синтактик анализ қиласи ва натижани миллисекунд форматида беради;

`setDate()` - Date обьекти вақт кўрсаткичини ўрнатади;


`data.setDate(ой сони) //ой сони 1-31` оралиқда.

`toLocalString()` - жорий ҳудудий вақт майдонини асосида Date форматини матнли (String) кўринишига келтиради;

`UTC()` - сана ва вақтнинг рақамли кўринишини миллисекундли форматга айлантиради.

JavaScript нинг уч турдаги обьектлари

JavaScript тилида уч турдаги обьектлар мавжуд: стандарт обьектлар, браузер обьектлари ва дастурчи томонидан яратилувчи обьектлар. Уларнинг ҳар бири ўзларининг таснифи ва хусусиятларига эга.



Стандарт обьектлар

Қуида JavaScript да кўлланиувчи стандарт обьектлар, хусусиятлар ва усуллар келтирилган. Уларни ишлатишда олдиндан эълон қилиш талаб этилмайди.

Объект	Таснифи
Array	Массив
Boolean	Мантикий маълумотлар
Date	Календарли вақт
Function	Функция
Global	Глобал усуллар
Math	Математик константа ва функциялар
Number	Сон
Object	Объект
String	Сатр

Стандарт объектлар билан қандай ишлаш мүмкін? Анча оддий. Объектни реализация қилювчи дастур ёзилади ва унинг хусусият ва усулларига мурожаат қилинади. Мисол сифатида жорий вақтни күрсатувчи HTML хужжатни кўрамиз.

```
<HTML> <HEAD> <TITLE>Жорий кун ва вақт </TITLE> </HEAD>
<BODY BGCOLOR=WHITE>
<H1> Жорий кун ва вақт </H1>
<SCRIPT LANGUAGE="JavaScript">
<!--
var dt;
var MyDate="";
dt = new Date();
MyDate = "Date: " + dt.getDate() + "." + dt.getMonth() + "." + dt.getYear();
document.write(MyDate);
document.write("<BR>");
document.write("Time: " + dt.getHours()
+ ":" + dt.getMinutes() + ":" + dt.getSeconds());
// -->
</SCRIPT> </BODY></HTML>
```

Бу ерда JavaScript сценарий new калит сўзи ёрдамида Data обьектини яратади. Бунда Date конструктори параметрларсиз келтирилади:

```
var dt;
dt = new Date();
MyDate = "Date: " + dt.getDate() + "."
+ dt.getMonth() + "." + dt.getYear();
getDate, getMonth ва getYear усуллар ёрдамида жорий сана олинади.
```

Ушбу усуллар dt обьекти учун чақирилади.

Матн сатри эса HTML хужжатга write усули ёрдамида босмага чиқарилади. Бу усул document обьектининг усули ҳисобланади:

```
document.write(MyDate);
```

Date обьекти жорий вақтни ҳам ўз ичига олади. Бу маълумотлар getHours, getMinutes ва getSeconds (соат, минут ва секунд) усуллари ёрдамида кўрилади:

```
document.write("Time: " + dt.getHours()
+ ":" + dt.getMinutes() + ":" + dt.getSeconds());
```


Браузер обьектлари

JavaScript сценарий нуқтаи назари бўйича обьектлар иерархик дарахт кўринишда ташкил этилади.

Браузер обьектлари фойдаланувчи учун яратилган, браузер ойнасида жойлашган обьектлар ҳисобланади. JavaScript сценарида браузер обьектлари, хусусият ва усулларидан фойдаланиб бир класс асосида бошқа класс яратиб бўлмайди.

Браузер объектлари иерархияси

Қуйидаги расмда объектлар дараҳти иерархияси көлтирилған.



window обьекти бу иерархиянинг илдизи ҳисобланади. Қачонки HTML хужжат юкланса унмнг ичиде **document**, **parent**, **frame**, **location** ва **top** бошқа обьектлар ҳосил бўлади.

Объектлар билан боғлиқ ҳолатлар

Браузернинг ҳар бир обьекти билан аниқ бир ҳолатлар тўпламидан ташкил топади.

Масалан, **window** обьекти **onLoad** ва **onUnload** ҳолатлари билан боғлиқ ҳолда ишлайди. Биринчи ҳолат браузер ойнани юклаб бўлгач ишга тушади. Иккинчиси эса браузер ойнани ёпиш вақтида ишга тушади.

Дастурчи томонидан яратилувчи обьектлар

Аввало myRecord номли класс яратамиз. Ҳозирча унда усуллар мавжуд эмас, уларни кейинчалик қўшамиз. Бу класс қуйидагича яратилади:

```
function myRecord(name, family, phone, address) {  
    this.name = name;  
    this.family = family;  
    this.phone = phone;  
    this.address = address;  
    this.secure = false;  
}
```

Яратилаётган обьектни хусусиятларини кўрсатиш учун маҳсус **this** калит сўзидан фойдаланилади. Бу калит сўз обьектнинг хусусиятларига бўлган мурожаатини кўрсатади.

Келтирилған классдан қандай фойдаланиш мумкин? Яратилган класс асосида исталган сондаги обьектлар яратиш мумкин. Қуйида берилган myRecord классида иккита rec1 ва rec2 обьектлари яратилган:

```
var rec1;  
var rec2;  
rec1 = new myRecord("Иван", "Иванов", "000-322-223", "А. Темур кўча,  
д. 225, кв. 226");  
rec2 = new myRecord("Петр", "Петров", "001-223-3334", "Бобур кўча, д.  
552, кв. 662");
```

```
rec2.secure = true;
```

Объектлар **new** оператори ёрдамида яратилади.

Амалий вазифалар:

1. Қуидаги күринишда шарт оператори таркибини тузинг:
(шарт)? амал1:амал2

Бунда қуидаги операторлардан фойдаланинг

- A) Арифметик амаллр
- B) Ўзлаштириш
- C) Инкремент
- D) Декремент

2. Ҳисобланг

a) $12 \& 9 =$; b) $13 \& 14 =$; c) $10 \& 4 =$

d) $14 | 10 =$ e) $16 ^ 3 =$ f) $14 \& 56 | 11 =$

3. JavaScript нинг танланган объекти асосида мисол келтиринг.

1. Объект Global (ошкормас ҳолда бериш)
2. Объект Math
3. Объект Window
4. Коллекция фреймов (window.frames)
5. Объект Document (window.document)
6. Объект Location (window.location)
7. Объект Link (document.link)
8. Объект History
9. Объект MimeType
10. Объект Navigator

Фойдаланилган адабиётлар:

1. VG Olifer, N. A.Olifer. Computer networks. Principles, technologies, protocols. St. Petersburg: Publishing House. "Peter," in 2000.
2. Duvanov A.A. WEB. Construction of HTML. - St. Petersburg: BHV, 2003.
3. Barrett D. JavaScript. Web-professionals. - Kiev: BHV - Kyiv, 2001.
4. Brandenbau D. JavaScript: a collection of recipes. - St. Petersburg.: Peter, 2000.

VII БҮЛДИМ

КЕЙСЛАР БАНКИ

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-Кейс. Видео плеер вазифасини бажарувчи веб илова ёзилди. Илова ишга туширилганда видео тасвир экранда намоён бўлмади. Яъни илова кутилган натижани бермади.

2-Кейс. Дастурчи Веб иловага You Tube сайтидаги бирор видео иловани жойлаштироқчи бўлди. Яъни шу илова ишга тушганда илова тугридан тугри You Tube сайтидан видео олиб кўрсатиши керак эди аммо илова кутилган натижани бермади.

3-Кейс. Дастурчи доира узунлиги 180 пи бўлган чегараси 8 пиксел бўлган айлана чизищда ўзи билмаган баъзи хатоликлар қилди. Натижада айлана тасвири тўлиқ намоён бўлмади. Илова кутилган натижани бермади.

4-Кейс. Дастурчи веб сахифани фонини ўзгартирмоқчи бўлди аммо буни амалга ошира олмади. Илова кутилган натижани бермади.

5-Кейс. Дастурчи веб сахифадаги ёзувни бир хил интервалда жойлаштироқчи бўлди аммо буни амалга ошира олмади. Илова кутилган натижани бермади.

6-Кейс. Дастурчи веб сахифага гурухдаги барча талабаларнинг фото суратларини жойлади. Жорий холатда факат 4 та талаба фотосурати кўринишини хоҳлайди, буни амалга ошира олмади. Илова кутилган натижани бермади.

7-Кейс. Дастурчи веб сахифага квадрат тенглама формуласини жойлаштироқчи бўлди аммо буни амалга ошира олмади. Илова кутилган натижани бермади.

8-Кейс. Дастурчи веб сахифага CSS ёрдамида фото суратни эллипс ичига жойлаган холда жойлаштироқчи бўлди, аммо буни амалга ошира олмади. Илова кутилган натижани бермади.

9-Кейс. Дастурчи веб сахифага CSS ёрдамида фото суратни айлана ичига жойлаган холда жойлаштироқчи бўлди, аммо буни амалга ошира олмади. Илова кутилган натижани бермади.

10-Кейс. Дастурчи веб сахифага CSS ёрдамида маълум узунликдаги сатрларни хар хил рангларда ифодалашни ва мос сатрлар устида шу сатр рангини инглизча ёзмоқчи бўлди, аммо буни амалга ошира олмади. Илова кутилган натижани бермади.

11-Кейс. Даастурчи веб сахифага CSS ёрдамида маълум тугмалар(button) хар хил рангларда ифодалашни ва мос тугмалар устида шу тугмалар рангини инглизча ёзмоқчи бўлди, аммо буни амалга ошира олмади. Илова кутилган натижани бермади.

12-Кейс. Даастурчи веб сахифада бир сахифадан иккинчи сахифага ўтказувчи код ёзди, аммо буни амалга ошира олмади. Илова кутилган натижани бермади.

13-Кейс. Даастурчи веб сахифага бир нечта фото суратлар ва уларнинг остига изоҳ ёзмоқчи бўлди, аммо буни амалга ошира олмади. Илова кутилган натижани бермади.

14 – Кейс. Даастурчи HTML да веб сахифа ёзиб CSS да унга дизайн бермоқчи бўлди , аммо буни амалга ошира олмади. Илова кутилган натижани бермади.

15 – Кейс. Даастурчи PHP да браузерда ўзгарувчига қиймат бериб натижани сахифада кўрмоқчи ва шунга мос код ёзмоқчи бўлди, аммо буни амалга ошира олмади. Илова кутилган натижани бермади.

16 – Кейс. Даастурчи PHP да include функциясидан фойдаланиб даастур ёзмоқчи бўлди. Яъни ўзгарувчи қийматларини бошқа файлдан ўқиб олмоқчи ва унга мос код ёзмоқчи бўлди, аммо буни амалга ошира олмади. Илова кутилган натижани бермади.

17-Кейс. Даастурчи PHP да формада бир нечта маълумотлар ва парол киритди натижада у шу маълумотларни бошқа сахифада кўрмоқчи эди, аммо буни амалга ошира олмади. Илова кутилган натижани бермади.

18-Кейс. Даастурчи PHP да формада квадрат тенглама коэффициентларини киритувчи ва тугма ёрдамида илдизларни хисобловчи код ёзди янги коэффициент киритганда эскилари ўз ўзидан ўчириб ташловчи даастур тузмоқчи бўлди, аммо буни амалга ошира олмади. Илова кутилган натижани бермади.

19 – Кейс. Даастурчи PHP да формада иккита соннинг экубини ва экукини хисобловчи функция ёзмоқчи бўлди, аммо буни амалга ошира олмади. Илова кутилган натижани бермади.

20-Кейс. Даастурчи PHP даастурда бирор ўзгарувчи ва қийматини мавжуд ёки йўқлигини аниқловчи(isset ёки unset) код ёзмоқчи бўлди, аммо буни амалга ошира олмади. Илова кутилган натижани бермади.

Кейсни бажариш босқичилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги асосий түшунчаларга таърифларни келтириңг.
- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарған асосий сабабларни белгиланг.
- Веб иловани ишга тушириш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг.

Амалий топшириқлар

I. JavaScript тилида берилған мисолларни ечинг?

1. Комплекс сонлар устида амаллар бажаринг (Мисол учун: $2+3i, 3+4i \Rightarrow 5+7i$)?
2. Иккита вақт оралиғидаги фарқни топувчи дастур тузинг?
3. Берилған натурадл сон квадратини топувчи дастурни қуидаги қонуният бўйича тузинг:
$$1^2 = 1$$
$$2^2 = 1 + 3$$
$$3^2 = 1 + 3 + 5$$
$$4^2 = 1 + 3 + 5 + 7$$

.....
$$N^2 = 1 + 3 + 5 + 7 + \dots + (2N-1)$$
4. Қуидаги ифодани ҳисобланг
$$\frac{\cos 1}{\sin 1} * \frac{\cos 1 + \cos 2}{\sin 1 + \sin 2} * \dots * \frac{\cos 1 + \cos 2 + \dots + \cos n}{\sin 1 + \sin 2 + \dots + \sin n};$$

II. Синфлар ва объектлардан фойдаланиб дастурлаш. ОЙД принципларидан (ворислик, полиморфизм) фойдаланинг

1. Шакл, (айлана, тўртбурчак, учбурчак)
2. Мавжудот, (одам, ҳайвон, ҳашорат)
3. Транспорт (енгил авто, оғир авто, сувтранспорти, ҳавотранспорти)
4. Спортчи (футболчи, боксчи, теннисчи)
5. ОТМ(олий таълим муассаси: университет, институт, консерватория, коллеж,)
6. Шифокор (хирург, терапевт, онколог, психолог, генеколог)
7. Мушуксимонлар (Йўлбарс, илвирс, мушук)
8. Ноутбук (Dell, HP, Lenovo, ASER)

III. Қуидаги берилған вариантлар бўйича. JavaScript нинг танланган обьекти асосида мисол келтириңг.

1. Объект Form (document.forms[i])

2. Объекты Button, Checkbox, Hidden, Password, Radio, Reset, Submit, Text, Textarea
3. Объект Checkbox
4. Объект Radio
5. Объект Reset
6. Объекты Text и Password
7. Объект Textarea
8. Объекты Select и Option
9. Объект Object
10. Объект Number
11. Объект Boolean
12. Объект String
13. Объект Array
14. Объект Function
15. Объект JavaArray
16. Объект JavaClass
17. Объект JavaObject
18. Объект JavaPackage
19. Объект Screen

VI БҮЛГИМ

ГЛОССАРИЙ

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
.dex file	Компиляция қилинганAndroid дастури коди файлি	Compiled Android application code file.
Action	иловада Intent орқали жўнатилувчи хабар	A description of something that an Intent sender wants done. An action is a string value assigned to an Intent.
Activity	илованинг биронта ойнаси (интерфейс) бошқарувчи Java файл	A single screen in an application, with supporting Java code, derived from the Activity class.
Application	бу ишлаб чиқилган илова	From a component perspective, an Android application consists of one or more activities, services, listeners, and intent receivers.
Broadcast Receiver	иловага кириб келаётган ёки ундан жўнатилаётган интент обьектини бошқарувчи илова синфи	An application class that listens for Intents that are broadcast, rather than being sent to a single target application/activity.
Canvas	иловада чизилган ёки юклаб олинган тасвир	A drawing surface that handles compositing of the actual bits against a Bitmap or Surface object.
Client server	Мижоз-сервер. тармоқдаги турли дастурларнинг ишлаш схемаси. Шундай схема билан ишловчи дастурки, у икита ўзаро таъсирилашувчи қисмлардан иборат: мижоз ва сервердан. Мижоз фойдаланувчининг машинасида, сервер эса унга мос серверда (компьютерда) ўрнатилган бўлади. Сервер мижознинг	

	буйруқлари бўйича маълум бир амалларни мижозга хизматлар тақдим этган ҳолда бажаради.	
Cracer	қонунсиз йўллар билан ҳимояланган ресурсларга масалан, конфиденсиал маълумотларга киришга рухсат олиб маълумотларни қидириш билан шуғулланувчи ҳисоблаш тизимининг (одатда компьютер тармоғининг) фойдаланувчиси. У хакердан фарқ қиласди!	
Dialog	фойдаланувчи интерфейс учун мулоқот ойнаси	A floating window that acts as a lightweight form.
Drawable	илованинг визуал ресурслари сақланувчи папка	A compiled visual resource that can be used as a background, title, or other part of the screen.
Intent	иловада ойналар/activity бўйлаб жўнатилувчи хабар объекти	An message object that you can use to launch or communicate with other applications/activities asynchronously.
Intent Filter	манифест файлидаги эълон қилинадиган интент объектини фильтровчи объект	A filter object that an application declares in its manifest file, to tell the system what types of Intents each of its components is willing to accept and with what criteria.
Layout Resource	илова ойналарининг кўринишларини сақловчи XML файл	An XML file that describes the layout of an Activity screen.
Manifest File	илова учун керакли барча маълумотларни сақловчи XML файл (мисол учун, илова номи, интент фильтрлар, интернетга	An XML file that each application must define, to describe the application's package name, version, components (activities,

	боғланиш)	intent filters, services), imported libraries, and describes the various activities, and so on.
OpenGL ES	OpenGL ES кутубхонасидан мураккаб 3D расмларни тузишда фойдаланиш мумкин	Android provides OpenGL ES libraries that you can use for fast, complex 3D images.
Resources	илова учун керакли бўлган ресурслар (расм, аудио, видео ва бошқа файллар)	Nonprogrammatic application components that are external to the compiled application code, but which can be loaded from application code using a well-known reference format.
Service	иловаорти хизматлар яратиш учун синф	An object of class Service that runs in the background (without any UI presence) to perform various persistent actions, such as playing music or monitoring network activity.
Source code	Бу бошқа ишлаб чиқарувчилардан сотиб олиш мумкин бўлган framework ҳисобланади	It's a framework that you can buy from other developers and on marketplaces.
Surface	Canvas обьектини бошқариш учун обьект типи	An object of type Surface representing a block of memory that gets composited to the screen.
SurfaceView	Canvas обьектини бошқариш учун динамик обьект	A View object that wraps a Surface for drawing, and exposes methods to specify its size and format dynamically.
View	илова интерфейсида фойдаланиладиган компоненталар (button, checkbox, listview, gallery ва бошқалар)	An object that draws to a rectangular area on the screen and handles click, keystroke, and other interaction events.

Viewgroup	илова интерфейсида фойдаланиладиган компоненталар гурухи ёки жамланмаси	A container object that groups a set of child Views.
Web server	ўзига мурожаат қилишларни кутувчи ёки сўровлар ва сўровларга жавоб берган сервердаги дастур, яъни қўпинча талаб этилган файлни жўнатувчи дастурдир.	
Widget	илова интерфейсида фойдаланиладиган компоненталардан фойдаланиб ишлаб чиқилган график компонент	One of a set of fully implemented View subclasses that render form elements and other UI components, such as a text box or popup menu.
Window	иловани интерфейсларини яратиш учун абстракт синф	In an Android application, an object derived from the abstract class Windowthat specifies the elements of a generic window, such as the look and feel (title bar text, location and content of menus, and so on).
Universal app	Телефон қурилмаларида ҳам планшет қурилмаларида ҳам ишлайдиган илова	A single app that can run on both phone and tablet devices.
GUI	Фойдаланувчи график интерфейси	Graphic User Interface.
IDE	Қурилган ривожланиш муҳити	Integrated Development Environment.
OS (Operating System)	Операцион тизим. Қурилмадаги энг муҳум дастур	Operating System. The most important program on a device.

VII БҮЛІМ

АДАБИЁТЛАР
РҮЙХАТИ

VII.АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

- 1.** Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
- 2.** Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
- 3.** Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

II. Норматив-хуқуқий хужжатлар

- 4.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
- 5.** Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
- 6.** Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
- 7.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
- 8.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
- 9.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
- 10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
- 11.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
- 12.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
- 13.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.
- 14.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини

тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

III. Maxsus адабиётлар

1. Duvanov A.A. WEB. Construction of HTML. - St. Petersburg: BHV, 2003.
2. Barrett D. JavaScript. Web-professionals. - Kiev: BHV - Kyiv, 2001.
3. Brandenbau D. JavaScript: a collection of recipes. - St. Petersburg.: Peter, 2000.
4. Budilov B. JavaScript, XML and the Document Object Model. - St. Petersburg.: S & T, 2001.
5. R. Wagner JavaScript. Encyclopedia member (+ CD-ROM). - Kiev: DiaSoft, 2001.
6. Vayk A. JavaScript in examples. - Kiev: DiaSoft, 2000.
7. Rev. E. Vander JavaScript for "Dummies." - Dialectic, 2001.
8. P. Weiner JAVA programming languages, and JavaScript. - M: LORI, 2000.
9. Garnaev A Web-programming in Java and JavaScript. - St. Petersburg.: BHV St. Pereburg, 2002.
10. Dmitriev M. Tutorial JavaScript. - St. Petersburg.: BHV St. Pereburg, 2001.
11. Dmitriev M. JavaScript. Quick start. - St. Petersburg.: BHV St. Pereburg, 2002.

Интернет сай tlari

1. <http://www.intuit.ru>
2. <http://etuit.uz/>
3. www.tuit.uz
4. www.ziyonet.uz

